O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI DAVLIY KITOB PALATASI
INV.№

Миллий Тикланиш

Ўзбекистон Миллий тикланиш демократик партиясининг ҳафталик газетаси | 1998 йил, 6 январ | 1 (131)- сон

ҲАМКОРЛИК — ҲАЁТ АСОСИ

4 январ куни Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов мамлакатимизга амалий ташриф билан келди.

Тожикистон раҳбари ўзи учун биродар юрт Ўзбекистонга ташрифининг бош ташаббускори Ислом Каримов эканини айтди. У кенг қамровли ҳамкорлик учун давлатларимизнинг имкониятлари етарли эканини қайд этиб, ўзаро алоқаларни ривожлантиришга тайёр эканини билдирди.

— Мазкур ташриф Ислом Каримовнинг таклифи билан амалга ошди, — деди И. Раҳмонов. — Шунинг учун мен узоқни кўра биладиган, инсоний фазилатларни ўзида мужассам этган бу бағри кенг инсонга ташаккур айтаман.

ОМОНЛИК СЎЗИ

Бизда матбуотга янгича қарашлар тез шаклланиб бормоқда. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ўзининг кейинги йиллар ичидаги кўп чиқишларида жамият олдига ранг-баранг саволлар қўювчи ва саволларга жавоблар, ечимлар таклиф этувчи миллий демократик матбуот концепциясини изчил илгари суриб келмоқда.

Демократик жамият эҳтиёжларидан келиб чиқиб яратилаётган турли қонунларнинг муҳокамалари, қонунларнинг қўйилиши ва яратилиши жараёнлари ва ушбу жонли жараёнларда шаклланаётган янги давлатчилик анъаналари бизнинг ижтимоий ҳаётимизда тамомила янги воқелик — келажакни бугун яратиш ҳоким куч ва ҳоким интилишларга айланаётганлигини кўрсатмоқда.

Қийинчиликлар ортида нурли уфқлар ёстаниб ётганлигини халқнинг ўзи кундан кунга чуқурроқ ҳис қилмоқда. Халқнинг келажакка ишонч билан яшаши бу — янгича тафаккур, янги маданият, турмушда рўй бераётган ижобий ўзгаришларнинг илк ёрқин белгиларидир.

Мабодо кўзни юмиб туриб бошқа ҳеч нарсани ҳисобга олмаганда ҳам, «ОАВ тўғрисида»ги Ўзбекистон қонунининг матбуот эркинлиги, сўз эркинлигини эълон қилиш, тасдиқлаш, мустаҳкамлашдан бошланиши ва уларнинг алоҳида моддаларга ажратиб берилиши — уни ҳеч муболағасиз дунёнинг энг илғор ҳуқуқий сарҳадларига олиб чиқади.

Бундай соддароқ қараганда, биз Ўзбекистон халқи космик кемалар учирмаганмиз. Балки биз бундан кўра оддийроқ ва неча минг бора ундан кўра заруррроқ ҳаётий ишлар билан шуғулланамиз. Чунончи қишлоқ хўжалигимизнинг энг замонавий асосларини барпо этишни сира кечиктириб бўлмайдиган иш деб қараймиз. Ёки янги миллий тараққиёт ва янги миллий давлатчилигимизнинг илк винтларини мустаҳкамлаш пайида ва ҳаракатида бўламиз.

Бу кунлар катта ижодий меҳнатлар ва изланишлар якунланаётган, орқада қолган чўққиларнинг юксакликларидан келажакнинг манзаралари равшан ва равон кўринаётган кунлар.

Қутлуғ сарҳисоб дамларида андак кўтаринкиликларни англаш, тушуниш ва кечириш мумкин деб ўйлайман.

Рост, биз космик кемалар учирганимиз йўқ. Лекин биз кейинги олти йил давомида янгиланаётган мамлакатнинг старт майдонларини яратиш тажрибасига эга бўлдик.

Оқил давлат раҳбари етакчилигида мустақил иқтисодимизнинг старт майдонлари, маданиятимиз, таълим, илм-фан, маънавиятимизнинг старт майдонлари вужудга келди. Илгари ҳеч қачон бундай майдонлар бўлмаган ва халқимиз олдида очилмаган эди. Бугун биз шу старт майдонларидан туриб келажагимиз уфқларини ва ул уфқларда нималарга қодирлигимизни чамалаймиз.

Яқинда талантли журналист қизимиз Нигина Бойқобулованинг бир мақоласида ўқидим. Унда НЮМОНТ — Ўзбекистон ЛТД корхонасининг бошқарув раиси жаноб Кенеш эски мис конларида чиқиндилардан ҳар йили қўшимча икки тонна ўзбек олтини олинаётгани тўғрисида айтади. Бундай улуғ иш энг илғор ва энг ишончли технологияларнинггина қўлидан келади. Бундай технологияларнинг заминимизга ишонч билан кириб келаётгани старт майдони яратмайдими? Энди Кенешнинг иккинчи бир сўзига эътибор қилинг. У биз бу энг замонавий юксак технологияларни тубжой халқига ўргатамиз ва уларни ўз ўрнимизга қолдирамиз. Ўзимиз янги жойларни кўзлаб жўнаймиз дейди. Етмиш ўн йилликларда айтинг, ҳеч шундай бўлганмиди? Тубжой аҳоли энг илғор технологиялар билан қуроллантирилган эдими? Улар олтин, кумуш, мис ва бошқа бебаҳо конларимизга яқин йўлатилганмиди? Конлар тақдири миллий кадрларга қолдирилганмиди? Тубжой халқни янги технологиялар сир-асрорларига ўргатиш ва уларни шу каби технологияларнинг эгаси қилиш — бу дунё технологияларига интеграциялашувнинг самараси ва ундан тўғридан тўғри барпо бўлаётган миллий старт майдонларидир.

Ёки. Ўнинчи сессиямиз кун тартибида муҳокама қилинган қонунлар мажмуалари ва хусусан, «ОАВ тўғрисида»ги қонун ҳам матбуотимиз, радио, ТВ учун улкан старт майдони яратади. Ўзбекистонда сўз эркинлиги, матбуот эркинлиги абадий мустаҳкамланди.

Ҳа, халқимиз камтар. Камтарликни миллий ахлоқнинг зийнати деб билади. Ўзи муҳаббат билан сайлаган фидокор фарзанд тимсолида дунё раҳбарларига қўл беради, дунё халқларининг сўзларини тинглайди. Жаҳон оиласига тенг, муносиб, ўз шаён-шавкатига эга аъзо бўлиб жой олади. Қаерни олиб қараманг, сенаторлар — халқ ва мамлакатнинг ишончли вакиллари ўзлари тўлғоқлар ичра дунёга келтираётган қонунларнинг ҳар ҳарфи, ҳар сўзи, ҳар бир ифодаси учун талашадилар, жон куйдирадилар. Улар мамлакат старт майдонларини яратишнинг масъулиятини ўз устиларига олганлар. Инсон фаолиятларининг меъёр ҳамда мезонларини белгилаб берадиган сўзлар равшан мазмун касб этишини истайдилар.

Ҳеч шубҳасизки, чунончи, нашрларни ким рўйхатга олиши ҳам муҳим ўрин тутади.

Лекин бугун қандай журналистлар, қандай матбуотчиларни етиштириш, тарбиялаш масалаларнинг масаласи бўлиб турмоқда. Президент ишлаб чиқаётган Ўзбекистон тараққиётнинг манфаатлари шуни талаб қилмоқда.

ОАВнинг ахборот бериш қўламлари ва салоҳиятлари кундан кунга кенгайиб, куч олиб бормоқда.

Гапнинг очиғини айтганда, замон-замон журналистнинг замони бўлди. Эркин миллий ҳаётнинг барча ранг-баранг соҳалари журналистларга, улар эътиборига, улар тахлилларига, тадқиқотлари, текширишларига мунтазир! ТВга мунтазир! Бу қўлам ва бу миқёслар яқин ўтмишда ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган! Фантазиясини ҳам қитиқламаган! Ҳа, ҳақиқий миллий, ҳақиқий эркин матбуот қад ростламоқда. Бу миллий матбуот эндиликда журналистлар етиштиришни бутунлай қайта қуриш, тубдан ўзгартириш ва бу ишнинг савиясини энг юксак халқаро даражага кўтаришни тақозо этмоқда. Бу йўлда ташланаётган дастлабки қадамлар ҳаммамизни қувонтиради. Ахборот олиш ва тарқатиш, журналист, ношир, муаллифлар фаолияти ва ОАВ тўғрисидаги ўзаро чамбарчас боғланган қонунларимиз тизимлари бизга ҳар доим ишонч билан ишламоқнинг уч улуғ асосини мустаҳкамлаб беради. Бу қонунларимиз тизимларини уч катта устун тутиб туради. Булар: эркинлик, ҳаққонийлик ва тўғриликдир. Янги дунёга келаётган миллий матбуотимизнинг қиёфаси, мундарижаси, ўзига хосликларини шу уч кит белгилайди. Матбуотнинг муаммолар қўйиш, муаммоларни ечиш, жамиятнинг фикрини тарбиялаш салоҳияти шулар воситасида юзага чиқади.

Айтинг, бу уч тулпор қайси журналистни ҳаёт юксакликларига чорламайди!

1997 йил Президентимиз ибораси билан айтганда, XXI аср бўсағасидаги Ўзбекистон учун тинчлик, омонлик, фаровонликка интилиш йили бўлди.

Бундай улуғ анжуманлар, улуғ муҳташам саройларда мумтоз аждодларимиз, мумтоз Навоий ҳамиша бизга йўлдош. Ҳазратимиз «Фарҳоду Ширин» достонларида шундай деган эканлар:

Не мулк ичраки бир фармон йибардим
Анинг забтиға бир девон йибардим...

Иқтибосан айтишга изн сўрайменким, муҳтарам Президентимизнинг дунёда умумхавфсизликни таъминлаш, турли таҳдидларнинг олдини биргаликда олишга қаратилган ғоялари худди Навоий бобомиз айтган элларга девон юбориш, яъни тинчлик, фаровонлик девонларини йўллаш каби олам тириклик иқлимларини мўътадиллаш ва тозартиришга хизмат қилади. Бу ўзбек халқининг манглай ёруғлиги, чинакам шарафидир. Қолаверса, дунё сари очилган старт майдонларидан биридир.

Иброҳим ҒАФУРОВ

Замон шарҳлари

ҚУТЛОВ

Азиз дўстлар!

1997 йилда Ўзбекистон мустақиллик ва янгиланишлар йўлида дадил одимлар ташлади. 1997 йил эсимизда қолди. Шундай бир назар ташлаганда ҳам, қанчадан қанча катта кичик саноат корхоналари қад ростлади. Улар учун малакали, замонавий илғор иш лаёқатига эга ишчи-хизматчи, ходимлар тайёрланди. Улар энди мустақиллигимиз учун ишлайдилар, ватанимиз равнақини таъминлайдилар, дунё бозори рақобатига бардош берадиган маҳсулотлар чиқара бошлайдилар. Қанчадан қанча ёш йигит-қизларимиз янги обод ва озод дунёни яратишда зўр озуқ бўладиган илму маънавият хазиналарини эгаллаш учун ғайрат қилмоқда.

Ўзбекистонда миллий тикланиш ҳаракатлари давлатимиз раҳбари етакчилигида тобора куч олмоқда. Халқнинг мустақиллик, озодлик, демократия, ҳуқуқий маданиятни англаши, ўз ҳаётига сингдириши, ўз турмуш тарзининг амалиётига айлантириши худди башорат қилинганидек, ўзгаришлар, ислоҳотлар янги босқичга кираётганлигини кўрсатади. Халқ Ватан, мустақиллик учун ишлаш кўникмасини эгаллади. Ўтган йил инсон манфаатлари мезонлари ва ҳаётий уфқларини кўз ўнгимизда рўй-рост гавдалантирди. Ватан, инсон, миллат қадриятларини бор бўй-басти билан тиклаш, қайта бунёд этиш, уларни янги истиқлол дунёси мазмуни, маъноси билан бойитиш ижтимоий ва шахсий манфаатларимиз тамал тошини белгилаб беришини англаб етдик.

Ҳар нарсада меъёр, сиёсатда вазминлик, босиқлик, етти ўлчаб бир кесиш, ҳозирги дунё даражаларини кўзлаш, ислоҳотларда тугал изчиллик ўз самараларини беражак. Унутилиш ва ўтмиш ҳаробалари остидан кўп минг йиллик тарихимиз, маданий анъаналаримиз кўтарилиб келаётир. Булар саодатли давлат, саодатли оила ҳаётининг нурамас замиридирлар.

Мамлакатнинг чин маънода оёққа бостиришнинг умидбахш дастурлари қўлимизда. Улар эндиги ижтимоий ва инсоний ҳаёт йўлларимиз ва оъмолларимизни ёритиб туради. Миллий тикланиш партиямиз ва унинг аъзолари, фаоллари мана шу мамлакат ва миллат миқёсидаги кўтарилиш жараёнларида ўз фаол фуқаролик ўринларига эга бўлишга, иқтисодий, сийсий, маданий, маънавий кўтарилишларимизга муносиб ҳисса қўшишга, онг ўзгариши, қарашлар ўзгариши ва алҳосил, янги инсоннинг дунёга келиши билан боғлиқ тарихий ҳодисалар оқимини хайрли тарзда ўзгартириш ва тезлатишда ҳамиша жамиятимизнинг энг илғор кучлари билан ёнма-ён, камарбаста борадилар. Ҳар қандай қийинчилик бўлса, уларни ҳал этиш ўз қўлимизда. Ватан учун яшаш, ватан учун ишлаш фаровонлик ва саодатнинг энг олий кўринишидир.

Бугун тикланиш сўзи тилларда! У келажагимиз чироқларига тинимсиз қувват беради.

Азиз партиядошлар, азиз юртдошлар, сизларни кириб келган янги умидлар йилининг илк файзли айёмлари билан қутлаймиз. Ғайрат-шижоат, фаровонлик, бардамлик ҳамиша йўлдошингиз бўлсин! Янги йил муборак!

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҲАЙЪАТИ

ОЗОДЛИК МАЙДОНЛАРИ БОЛАЛАРГА

Болалигимдаги бир воқеа хотирамда ўрнашиб қолган. Уйимизга янги келин тушди. Унинг чилласи чиқиб, қозон-товоққа аралашган куни бўлса керак, бизга дастурхон ёзди.

— Қизим, болаларга тоза дастурхон солинг, ювилган сочиқлар қўйинг. Чети учган пиёлаларни ҳам олинг, бутунидан қўйинг, — деб энам оҳиста овозда ўргатдилар.

— Болалар дарров уринтиради деб... — келинойимиз хижолат бўлиб изоҳ берди.

— Майли, болалар тоза кўрпачаларда ўтириб, оппоқ дастурхонларда овқатлансалар, чиройли идишларни ушлаб-тутсалар, кўнгли чиройли бўлиб ўсади. Ўзини қадрлаб ўсади. Кейин ҳаётда шундан паст тушмасликка уринади, паст тушса, хўрлиги келади, яхшилашга ҳаракат қилади, — дедилар энам...

Ҳозир билсам, энам ўшанда жуда теран бир фикр айтган эканлар. Ҳақиқатан, биз болаларга ўзимиздан кўра яхшироқ нарсаларни илинишимиз зарур экан. Ҳар доим улар эртанинг одами эканлигини эсда тутишимиз шарт экан. Бу ҳақда эндигина чуқурроқ ўйлай бошладик.

Мустақиллик майдонида бир неча кундан буён Арча атрофидаги байрам томошаларини кўраётиб шулар хаёлимдан ўтди. Аслида томоша ҳар йили бўлади. Майдонга боласини етаклаб келганлар беш-олти дақиқа тўхтаб ўтиб кетаверарди. Чунки Қорбобо, Қорқизнинг келиши, Ялмоғиз кампирнинг совға қопини ўғирлаб қўйиши ва ҳоказо воқеалар болаларга ёд бўлиб кетган. Қолип, сийқалик, бирхиллик болаларни тез зериктиради. Бу йил эса бир соат давом этган томошани катта-кичик худди спектакл кўргандай астойдил кўришяпти. Кичкинтойлар: «Ойи, нега майдонда от, йўлбарс, маймунлар турибди, ие, сичқон ҳам бор?» «Ҳамма мучаллар майдонга ўрнатилган, дедингизми?» «Ада, Алпомиш қатга кетди? Анавининг қиличи ростакасими?» Кичкинтойларнинг ота-оналарини саволга кўмиб ташлаётганлари ёқимли. Ахир, савол туғилган жойда фикрлаш бошланади, фикрлаш эса ўзгариш, ўнгланиш ғилдираги.

Томоша ижодкорлари «Болаларга бўлаверади» қабилида қўл учида тайёрланмасдан, астойдил, ихлос билан тер тўкиб меҳнат қилгани сезилиб турибди. Томоша қадимги сайлларга чорлагандек, карнай-сурнай билан бошланади. Бошловчи «Очил дастурхон»га мурожаат қилиб майдонга келганлар кўз ўнгида мўъжизалар пайдо қилишни сўрайди. Кенг майдондан Буюк Ипак йўлида қатновчи карвонлар ўта бошлайди, Барчинойнинг эртақдан чиқиб келиши саҳнага жозиба беради, қароқчилар ҳужуми, Алпомишнинг Барчиной учун жангга кириши — бари бир-бирига уйғунлашиб болаларни Ватан тарихи, бизга қадрли эртак, достонлар бағрига олиб кириб кетади.

Баъзилар миллийлик деганда беқасам тўн, белбоғ, дўппи, атлас кўйлак, лозим ва ковушни тушунадилар. Шу саналганларни кимларнингдир эгнига илиб, саҳнага чиқаришади ва гўё ўзларича замонавий давр руҳига мос бир нарса яратгандай бўладилар.

Арча атрофида ўтаётган мазкур томошаларда миллатимиз руҳи воқеа, ҳодиса, ҳаракатларга сингдирилган. Шунинг учун болалар Жодугар кампир, Қорбобо, олис Олмониядан келган Санта Клаус, илон ўйнатувчи сеҳргар, масхарабоз, полвонларга ишонч билан қарашади. Олтин бешиқда Оила йили исми билан келган рамзий Янги йилни ҳам бўлакча бир қизиқиш билан қаршиладилар. Томошабин болалар ўзларини майдоннинг эгаларидай тутаётгани менга, айниқса, ёқди. Улар турли ниқоблар кийган эртак, афсона қаҳрамонларига ҳайрат билан қараб, чўчиброқ қўлларидан ушлаб, бирга рақс тушишади, совғаларини олишади, зар либосларини ярқиратиб кенгликда чопиб юрган Янги йилнинг изларида кезинишади, ҳаммаси тасаввуридагидай, ҳаммаси хаёлдагидай...

Озодлик майдонлари болаларга, болаларимизга! Байрам томошасига шундай сарлавҳа қўйса бўлар экан, — мен Абдулла Қодирий номидаги Тошкент маданият институти оммавий байрамлар режиссураси кафедраси мудири, шу байрам томошасининг режиссёри Бахтиёр Сайфуллаев билан суҳбатимни шундай бошладим.

— Яна қандай таклифларингиз бор?

— Майдонда найзага суянган бир неча қўриқчилар туради. Қароқчилар бостириб келганда ҳам улар шундай қотиб туришаверди. Эҳтимол, бу бир рамздир. Аммо болалар қуращдан, ҳимоядан четда турган қўриқчиларни ёқтиришмайди. Кичкинтойлар ҳатто, «Ўрмайсанми, нимага турибсан, найзангни бу ёққа бер, кўрқсанг?» — деб ҳам бақиришди. Улар ҳам ҳаракатга келса чиройли бўлармиди?

— Яна?

— Яна Қорбобо Жодугар кампир ва унинг безориларидан қутулиш учун милицияни чақирганда, «Тез ёрдам» келди, кичкинтойлар кичкина алдовни ҳам кўтаролмайди...

Биз Бахтиёр ака билан яхши маънода бироз баҳслашдик. Аслида мен изиримда кўзларида ҳайрат учқунланиб ўйлари хурсанд қайтаётган мана шу қоракўзлар учун у кишининг ўзларига, томошанинг бадиий раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган спорт ходими Эдуард Колосовскийга, миятимизнинг энг илғор кучлари билан ёнма-ён, камарбаста борадилар. Ҳар қандай қийинчилик бўлса, уларни ҳал этиш ўз қўлимизда. Ватан учун яшаш, ватан учун ишлаш фаровонлик ва саодатнинг энг олий кўринишидир.

Бугун тикланиш сўзи тилларда! У келажагимиз чироқларига тинимсиз қувват беради.

Азиз партиядошлар, азиз юртдошлар, сизларни кириб келган янги умидлар йилининг илк файзли айёмлари билан қутлаймиз. Ғайрат-шижоат, фаровонлик, бардамлик ҳамиша йўлдошингиз бўлсин! Янги йил муборак!

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ ҲАЙЪАТИ

Холуқ НУРБОҚИЙ

ҚУРЪОННИНГ ТИББИЙ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Таҳорат ва ғуслнинг сирлари

Ҳеч қандай муболағасиз иддао қиламанки, бир кун келиб ҳамма (бу кун инонмаганлар ҳам) таҳорат ола бошлайди. Ғусл-ку (бощдан-оёқ ювмоқ) қандайдир маънода бутун дунёга ёйилди. Таҳорат ҳам шундай бўлажаги шак-шубҳасиздир.

Энди таҳорат ва ғусл жараёнида жисмимизда тиббий жиҳатдан юз берувчи ҳикматларни айтиб берай, кейин 5-сура 6-оятни кўрамиз.

Таҳорат ва ғусл натижасида танда 3 муҳим тиббий мўъжиза юз беради:

а) Вужудда бириккан электронлар чиқариб ташланади ва улар таъсирида бўлаётган жисмоний оғирлашув йўқолади;

б) Умумий қон айланишидаги камчиликлар тузалади, қариш секинлашади;

в) соғлиқни сақлаш тизимида асосий негиз ҳисобланган лимфа (организмда қон билан тўқималар ўртасида модда алмашинувини таъминловчи суюқлик) айланиши энг яхши савияда бўлади.

Давоми тўртинчи бетда

Бундан 3—4 йил муқаддам бир дўстимнинг тавсияси билан «Қуръон мўъжизалари» деган бир китоб билан танишиб қолдим. Унинг ажойиблиги шундаки, китоб муаллифи аниқ фанлардан бўлмиш тиббиёт соҳасининг кўзга кўринган олими — медицина фанлари доктори, профессор-онколог эди: туркиялик олим Холуқ Нурбоқий. У ўз китобида Қуръоннинг тиббиёт, математика, физика, коинот илми, филология, биология илмларига доир мўъжизаларини тавсиф қилади. Ва булар ҳозирги замоннинг ҳар қандай олими учунгина эмас, ҳар қандай кишиси, учун ҳам гоят аҳамиятлидир. Мен китобни таржима қила бошладим.

Рамазон ойи муносабати билан китобдан тиббиётга оид айрим парчаларни «МТ» ўқувчиларига ҳавола қилишни лозим топдим.

Таржимон

«ЧИНВОТ КЎПРИГИ»

«ЖАҲОН АДАБИЁТИ» ЖУРНАЛИНИНГ ТЎРТИНЧИ СОНИДА

«Жаҳон адабиёти» журналининг тўртинчи сонидан бошлаб публицист ёзувчи Игор Бунич қаламига мансуб «Партиянинг олтинлари» номли асари эълон қилина бошланди. Бу асарда биринчи марта ҳали кенг жамоатчилик бехабар бўлган ҳужжатлар, архив материаллари асосида рус болшевизмининг асл қиёфаси, моҳияти чуқур очиб берилади. В. И. Улянов (Ленин) бошчилигида давлатни зўравонлик билан эгаллаб олган бир гуруҳ террорчи тўда уюштирган жиноятлар халқларнинг бошига солинган мислсиз жабру жафолар, талончилик, отиш, қамаш, очарчилик каби ниҳоясиз азобуқубатлар кўлами ҳақида илк бор рўй-рост гапирилади. Болшевиклар халқни талаб, зўравонлик билан тўплаган бойликлар Ленининг кўрсатмаси билан қандай усуллар воситасида хорижга жўнатилгани ва қандай махфий ўзлаштирилгани ҳақидаги фикрлар ўқувчини ҳайратга солади. Бу қабиҳ усул — мамлакат аҳолисини аёвсиз талаш, бойликларни ўғирлаш ва совуриш, Сталин замонида ҳам, Брежнев ва Горбачёв ҳукмронлиги даврида ҳам тўхтовсиз давом этган.

Асарда турли давлат бошлиқлари ўртасидаги шафқатсиз махфий курашлар, зиддиятлар, зимдан олишувлар, ҳокимият учун талашиб-тортишишлар ҳам кенг кўламда очиб берилади.

Бу асарни ўзларини коммунист атаб, катта-катта разилликлар бошида турган жиноятчи тўдани фош этувчи ҳужжатлар тўплами деб аташ мумкин. Асар катта қизиқиш билан ўқиладн.

Шарқ шеърияти жаҳон шеърияти хазинасини беҳисоб дурдоналар билан бойитганлигини яхши биламиз. Шарқ шеърияти ранг-баранг бўлиб, ўзига хос овозга, соза эга.

«Шеърият минтақалари» рукни остида Корея мумтоз шериятидан намуналар берилган. Бу шеърлар инсон кечинмаларини табиат манзаралари орқали гўзал ва теран ифодалайди. Шеърларни шоир Мирпўлат Мирзо ўзбек тилига ўгирган.

Буюк сиёсат ва давлат арбоби, Ҳиндистон мустақиллиги учун курашган йўлбошчилардан бири ва ҳур Ҳиндистон республикасининг биринчи Бош вазири Жавҳарлаъл Неру қаламига мансуб «Дунё тарихига назар» асари унинг «Ҳиндистоннинг кашф қилиниши», «Таржимаи ҳолим» каби машҳур китоблари сирасига киради.

Мазкур асар Жавҳарлаъл Неру 1930 йилнинг октябридан 1933 йилнинг августигача турмада ўтирган даврида қизи Индира Гандига йўллаган тарихий-маърифий хатлардан ташкил топган. Унда инсоният юзага келган даврдан бошлаб то XX асрнинг ўттизинчи йилларига қадар кечган тарихий жараён баён қилинган.

Журналдан Паҳлавон Маҳмуд таваллудининг 750 йиллигига бағишлаб Матназар Абдулҳакимнинг «Илоҳий имтиёз» мақоласи ҳам ўрин олган.

«Китоблар оламида» рукнида ёзувчи Муҳсин Умарзода қаламига мансуб «Овисто сирлари» мақоласи фактларга бойлиги, ёрқин таҳлиллари билан мафтун этмай қўймайди.

Буюк мутафаккир шоир ва файласуф, дин ислоҳотчиси Зардушт томонидан ёзилган «Овисто» асари дунёдаги муқаддас китоблар орасида нодир китоб саналади. Бу асар бир неча минг йиллик давр мобайнида башариятнинг эзгу орзу-умидларини, олийжаноб ҳис-туйғуларини баён этиб, бепоён ўлкаларда илоҳий маънавият машъали бўлиб порларкан, инсонлар қалбини эзгулик нури билан ёритди.

Келинг, мавзуси эзгулик билан ёвузлик кураши бўлган «Овисто»дан парча ўқинг-а: «Инсон вафотидан сўнг унинг руҳи уч кун жасад атрофида бўлади. Ундан кейин эсган шабадалар билан самовий оламга парвоз этади. У оламда чинвод деб аталган кўприк бор. У жаҳаннам устидан ўтказилган. Уч нафар фаришталар — Меҳр, Суруш ва Рашна бу кўприк ёнида кўз-қулоқ бўлиб турадилар. Руҳ бу хатарли кўприкдан ўтиши керак. Агар кишининг виждони пок бўлса ва гуноҳи бўлмаса, уни бир соҳибжамол ва хандон қиз кутиб олади. Руҳ ундан ҳайратланиб сўрайди: «Эй гўзал қиз, сендан чиройлироқ қизни ҳеч кўрмагандим... Кимсан, бу ерда нима қиласан?» У қиз жавоб беради: «Мен сенинг Эзгу андиша, Эзгу калом, Эзгу амалларинг тажассумидурман». Киши руҳи Чинвод кўпригига яқинлашганда фаришталар уни тўхтатиб хайру-гуноҳ ишларини текширадилар. Сўнг кўприкдан ўтишга ижозат берадилар. Ва агар кишининг яхшиликлари кўп бўлса Чинвод кўпригидан осонлик билан ўтади. Лекин гуноҳлари кўп бўлса кўприк торайиб, тиғдек ўткирлашади ва гуноҳкор киши руҳи ниҳоятда даҳшатли қоронғу жаҳаннамга тушиб кетади».

Овистони улуғ ахлоқ китоби десак муболаға бўлмайди.

Шунингдек, журнал саҳифасида Артур Хейлининг «Оқшом хабарлари» ҳамда Журжи Зайдоннинг «Ҳорун ар-Рашиднинг синглиси» романларининг якуний қисмини ўқийсиз.

«Солнома» рукнида эса Қозоғистон маданий ҳаёти янгиликлари билан танишасиз.

Назира ЖЎРАЕВА

Руҳ дунёси

КЎНГИЛ ХАБАРИ

«КЎНГИЛ ТЎЛА КЕЛМИШ...» ДЕГАН ЭКАН НАВОИЙ. ҲАЗРАТ 3 ЯНВАРДА ДОРИЛБАҚОГА КЎЧГАН ЭДИЛАР...

Навоийнинг сўз салобати — қалбнинг қиёмати эканлигидан кўнгиллар бир гўзал кўзғалишма қиладилар, тозаланиб кетади кўнгил, ойдинлашар дилинг. Оғирингни олади Навоийдан ўқиш. Худди «Қуръон»ни берилиб қироат қилаётган қироатхон ёнига маккор лаъин яқинлашолмаганидай, ўткинчи дунёнинг ўткинчи жилвалари-ю, ғам-ташвишлари, малъун васвасасидан елкангга қўнган юк қулаб тушар кўнгил берсанг бу нурли абётга (бунда яна шунга ишораким, биров бировга «оғирроқ бўлиб юрибман» деса «шайтон кўнган бўлмасин, ўзингизни ўқитворинг» дейишади).

Навоийдан сўз ўқимоқнинг ҳам руҳий енгиллиги, ҳам гашти, ҳам мислсиз руҳий қуввати бор. Бир қадар тушуниб ўқиган киши гўё «шеър майхўри»га айланади, яна мутолаа хумори тутаверади. Ҳа, хумори бор Навоийдан ўқишнинг, илло, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас.

Улуғларга ҳавас қилмоқ, сўзларидан завқ олиб руҳланмоқ, дунё маънисин англаганча англамоқ одамийларга беҳад ярашгай. Зеро, бундай одамийликка йўл очилгай, яхшилик юз кўргузгай. Кўзларга нур, умрга мазмун тўлгай, дилларга меҳр-оқибат, ишқ келгай. Ўзингни, дунёни билиш, иймон-эътиқод шундан бошланади.

Тангрига ихлос билан ишонганлар, уни суйганлар фақат яхши одамлардир. Бинобарин, яхшилар, ақллилар қанчалик кўп бўлса, дунё фароғатда, инсоний умр кечирмоқ имконияти бўлади, олам гўзаллашади, одамийлик қадр топади.

Яхшилар севадилар Аллоҳни

Навоийдан ўқишга ўрганган кўнгил соҳиби ўқимай турса, гўё ҳижронда қолган кабидир. Келинг, ғазалга ғарқ бўлайлик.

Эй кўзу кўнглум, сиришку охдин тўфон қилинг,
Жону жисмимнинг йиқилғур кулбасин вайрон қилинг.

Бу байтдаги «йиқилғур» сўзи билан ўз-ўзини дуойибаъд қилаётгандай, ажабки, жону жисмин кулбасининг вайрон бўлишини шоирнинг ўзи истайди, нега, на бўлди? Вайрон бўлмоғи учун кўзу кўнглига ёшу оҳдан тўфон қилинг демоқда, яъни кўз ёши — сув, оҳ — шамолга қўшилиб, сувтўфон солишига ишора. Сўфийлар — худони суйганлар, Аллоҳ ишқида куйганлардурким, ана шу ишқ азобидан ўртана-ўртана гўё йўқ бўлиб жисм кетиб руҳ қолиб, ягона олий руҳ — Худога етмоқни орзу қиладилар. Бу дунёнинг ўткинчи ҳаваслари, ҳавойи нафсларидан қалбнинг фориғлиги ва покланиб кўнгилнинг олий Руҳ билан дийдорлашмоқ учун ҳозирланганлиги деб англамоқ рост келур. Одамзод умр бўйи сергак бўлуви учун унга ақл берилган, олам бағрига илм ташланганким, киши қанчалик илм истаб, уни топиб эгаллаган сари шунчалик юксалиб, қувват тортиб боради. Бундан кўнгли илми ҳикмат дунёсига айланади, ҳар қандай макрга унинг илми зўр келади, худога яқинлаша боради.

Тангри ўн саккиз минг оламнинг бутун мўъжизасини одамзод вужудига жойлаганким, киши ўзига кураш очиш орқали қайсидир даражада ана шу мўъжизаларнинг соҳиби бўлади. Худога яқинлик топган ошиқлар ўз-ўзларида ана шу сирларни кўра билган, ўзига кучи етганлиги сабабидан зўр бўла олган комил инсонлардир.

Қилса бу иш кўзу кўнглим сиз доғи, эй дарди ишқ,
Кўзни кўр айлаб, кўнгилга қатл ўқин паррон қилинг.

Бунда кўзни кўр қилмоқда яна бир сир пинҳонки, ишқ дардининг ўқи кўнгилга кўз орқали ўтар, гўё тешилган кўз кўр бўлиб, ўқ теккан кўнгил қатлга етади. Бундан яна бир маъно жўшмоғи борки, чин ошиқнинг кўзига маъшуқасидан ўзга ҳеч нарса кўринмайди, кўришни истамайди ҳам, кўнгли эса маъшуқанинг сайдиови ҳисобланади, унга жон беради. Кўзу кўнгилга асли буйруқ шу амал эди. Шоир ўзлик мулкини кетма-кет йўқ қилиб бораётганини, ёр йўлида ўзидан кечаётганини, унга жон-дилдан қурбон бўлаётганини учинчи байтда янаям равшанроқ сезамиз:

Ҳар баҳона бирлаким бўлса ҳаётим қасрининг
Тоқу айвонин бузиб туфроғ ила яксон қилинг.

Кўзу кўнгил бир ёнли бўлгач, энди ҳаёт қасрин тоқу айвонин бузиб туфроғ ила яксон қилинмоғини истайди. Ишқ куйида ҳоксорлик орзуси шу уч байтда эса гўё туфроқдек ушалди. Жисми кулбасидан, кўзу кўнглидан ва ниҳоят ҳаёт қасридан қутулди! Лекин шоир айтаётган тарзда жисм кулбаси вайрон, кўз кўр, кўнгил қатл, ҳаёт қасри яксон бўлгунича қанча азоб чекилади, шунча азобни гўё сотқин олётир, истаб сўраётир, буюрётир. Бу не ҳолким, кўнгилга ўқ қадаб хурсанд бўладир, жонига нима озор экан?! Кейинги байт бунга кутилмаган жавобни беради:

Яъни айлаб мунча бедоду жафолар, шаммайи
Ҳажр дарди, шиддатин мен хастага осон қилинг.

(шаммайи-бироз, бир қадар).

Бу байтни ўқиб тилинг тўхтайди, юрагинг унсиз тушиб кетади. Ҳали шоирнинг дарди бошқа экан. Булар билан эса ўзидаги ҳажр дарди шиддатин бор-йўғи бирозгина осон қилмоқ нияти бор экан ошиқнинг. Одатда, бирон жойи қаттиқ оғриётган кишининг бошқа жойи-

да енгил бир оғриқ пайдо бўлиб қолса, олдинги оғриқни сал-пал унутгандай бўлади, байтнинг маъниси шу ҳолат кабидир.

Зинҳор ахбоби ошиқ бўлмангиз, гар саҳв этиб
Бўлмоқ истарсиз, бурун андишайи ҳижрон қилинг.

(саҳв-хато).

Ошиқ бўлишдан аввал ҳижрон андишасини қилинг. Билгимиз келарким, ҳижрон дарди недур?! Навоий бошқа бир ғазалида «Бу умр бирлан юруб ўлмаган менинг жоним» деганларича бор экан-да. Худди шу нуқтада ҳаётдаги арзимаган ташвишларни каттайтириб, уларни «азоб» атаб, руҳларини чўктириб, беҳуда қийналиб, таъбир жоиз бўлса, умрини еб юрганларнинг дадиллашишини, елкамда тоғдай дардим бор деб, ўзини алдамасликларини, ақл-ирода, сабр, кўнгилкенглик билан енгиб ўтишларини, ўткинчи дунё ташвишларига қурбон бўлмасликларини истайсан киши. Одамзод руҳи қанчалик баланд, тетик бўлса, у шунчалик кучлидир.

Ҳар бир киши ҳаёти қайсидир даражадаги қарама-қаршиликлар, курашларда ўтади, ҳар ким ҳар хил дўст-душман орасида бўлади. Турли вазиятларда руҳни чўктириш рақибларга йўл бермоқ, ўзига-ўзи душманлик қилмоқдирким, бу ҳар қандай душманликдан зиёдадир.

Майда-чуйда гапларнинг аҳамияти йўқдир, илло, ўзига тоза бўлолмаган, ўзига кучи етмаган ожизларгина ўзига тоза одамларни бўяшга интиладилар.

Худога ошиқлар фақат тангридан айрилиб қолишдангина қўрқадилар. Аллоҳ билан тоабад қолмоқ учун ҳар балога тайёр турадилар.

Дермен эй афлок, тортай ҳажрдин бир тийра оҳ,
Ер тубига ой ила кун кўзгусин пинҳон қилинг.

(тийра-қаро)

Ошиқ бир оҳ тортмоқ учун ой ила кун кўзгусини ер тубига яширишни сўрайди, акс ҳолда, ой ила кун кўзгуси бу қаро охдан қорайиб кетиб фалак ою қуёшсиз қолиши мумкин. Ошиқнинг кўнглидаги дардни дунё сиғдиролмайди.

Ҳажрдин кўнгли тўла келмиш Навоий раҳм этиб,
Эй харобот аҳли, бир мамлу қадаҳ эҳсон қилинг.

(мамлу-тўла).

Табиийки, бу оддий май ва майхона эмас, худди шунингдек, бу хароботдаги масту беихтиёрлик ҳам мазмунан бутунлай бошқа ҳолатдир. Шоир ифодасидаги май руҳий бўлиб, кўнгилга ичиладиган олий ишқ шаробидурким, гўё бу майда маъшуқнинг — худонинг жамоли кўринур. Тасаввуф шеъриятида оддий май ичишдаги ҳолатлар, ашёлар фақат мажоз қилинади. Бир қадаҳ иккинчисини, иккинчиси эса учинчисини... чорлаганидай, маъшуқани кўнгилда бир кўриш — тасаввур қилиш, орзулаш иккинчисини, иккинчиси эса яна бир кўришни изма-из чорлайвериб то майи ваҳдад-бирлик майи-васл майигача ошиқ руҳий ишқ шаробини ичавергусидир, аччиқ майнинг лаззати, ишқ азоби лаззати янглиғдур. Вале бу руҳий май қай майхонадан топилғуси, хароботаҳли кимлардир?

Ҳажр ўрнини май олсин, кўнгил жомида айрилиққа жой қолмасин. Оддий май ичиб ғамни унутганидек, ошиқ ҳам ҳажрни шундай унутмоқ истайди. Маст кишига косада ҳар ненинг акси кўринади, бу руҳий майхонадаги масту беихтиёрга эса қадаҳни тўлдириб ёр жамоли кўринур, кўнглини тўлдирар, ўзни унутар, ёр-ҳақ бирла бўлар.

Шу ерда сўзимиз бошида ваъда қилганимиз бир таъкидни келтирмак мақбул. Сўфийликда Аллоҳ дийдори учун чекилган ишқий азоблар муболағалидир, сира ақлга сиғмайди. Юқоридаги ғазалдагидек кишининг бир оҳи ой билан қуёшни қорайтиради.

Бизнингча, бу ва бу каби ифодаларда ҳеч қандай муболаға йўққа ўхшайди. Чунки гап шундаки, булар руҳий изтироблар бўлиб, шоир айтмоқчиким, агар кўнгилни ўртаб жонидан ўтаётган бу руҳий изтиробларни моддий шаклга келтириш мумкин бўлса эди, биргина оҳдан ою қуёш қораярди. Лекин, боз устига, бу қиёсда ҳам моддийликда чек бор, руҳиятнинг чексизлигини асло унутмаслигимиз керак. Шунинг учун ҳам айтилаётган сўзлару мажозлардан шоирнинг кўнгли тўлмайди, дардига, ҳатто, ифода етмайди. Шунчалик ёзиб қўйсаларда, гўё ҳеч нарса ёзмагандай, дарди ичида кўзғалмай қолиб кетаётгандай бўлаверади. Навоий ўша ишқнинг тасвирига сўз қудрати ожизлиги учун баъзан сўздан ҳам кечоради, бу ҳолат худди Худонинг таърифи йўқлигига ўхшаб кетар. Бошқа бир ғазалидаги ушбу байт айнан шу кайфиятни ифодалайди:

Эй Навоий, сўзда маъни йўқтурур, маънида сўз,
Дурри маъни истар ўлсанг айлагил гуфтор бас.

Таърифсиз бу дард зўр-да, Навоийнинг дардли кўнглини ким ҳам кўрибди?! Ҳар кўнгил ўзгача, ўз дунёси бор, ҳар кимнинг кенгми-торми ўз дунёқараши бор. Демоқчимизки, таъкидланган руҳий ҳолатларни муболаға эмаслигини англамоқ учун кўнгилни кенгроқ қўйиб, шу шеъриятга сўфий назаридан қаралса бас, сўзу ифодалар албатта шоир кўнглидан хабар бериб туради. Ва моддий дунё тасвирлари мажоз вазифасини ўтайдики, кўнгилни тушунмоқ учун шеърхонга, дард ифодаси учун шоирга восита ҳисобланади. Қандай кўнгилни кўтариб бу дунёдан ўтган эканлар Навоий бобомиз?! Биз-ку, ғазални бор-йўғи фаҳмимиз етганча англагали интиламиз холос.

Навоийнинг сўз салобати қалбнинг қиёмати эканлигидан кўнгиллар бир гўзал кўзғалишма қиладилар, кўнгиллар тириладилар...

Дилором ҚЎЗИЖОН қизи УЗРО

ДУНЁГА

Бир яхшининг ёди

Ҳеч эсимдан чиқмайди. 1993 йилнинг қаҳратон қиши эди. Ҳаво худди ҳаётидан норози одамнинг кайфиятига ўхшар, қуёш кунда бир марта бўлса ҳам жамолини кўрсатмас эди. Шунга қарамай, янги йил арафаси бўлганиданми, одамларнинг руҳи тетик, чеҳраси очиқ. Печка ёнида ўтириб, турли рангдаги қоғозлардан гул ва ўйинчоқлар ясаб, дераза ойналарига ёпиштириб чиқдим.

Кечга бориб қорнимда оғриқ пайдо бўлди. Овқатга ўтирганимизда ҳам, экрандаги чиройли қиз хайрли тун тилаганида ҳам оғриқ босилмади. Дадаси қўшнимиз Миржалол акадан машинасида мени касалхонага элтиб қўйишларини сўраганда, тунги соат иккилар бор эди чамаси.

Палатадаги ҳамхоналаримнинг дарди меникидан қолишмасди. Ҳамширанинг эмлаганиданми, ёки қорачадан келган келинчакнинг каравот темиридан маҳкам тутганича чекаётган азобини кўрибми, ҳар қалай оғриғим йўқолди.

— Мана буни ичиб олинг, қувват бўлади, — деди эртаси орамизда ёши каттароқ, қоп-қора қошлари туташган аёл мен томон бир коса доғли аталани суриб қуяркан. — Совиб қолмасин, ичинг. Раҳмат айтиб истар-истамас косани яримлатдим. Соат тўққизларга бориб оғриқ кучайди. Гўё ичимга кичкина одам кириб олгану, ичакларимга найза суқиб олаётгандек. Кўзларим беихтиёр ёшланди. Юролмай қолдим. Оёғимни босдим деганча «найза» буралади.

Дўхтирлар бир хулосага келишди, шекилли, ҳамшира қиз менга «юринг» ишорасини қилди. Эргашдим. Бунча имилламаса-я. Нима қилишмоқчи ўзи?

Лаҳзалар шу дамда мен учун дунёдаги энг узун нарса бўлиб туюлди. Ёруғ, кенг хонага кирдик. Ҳамшира мени ўриндиққа суяб ўтқазди. Очиқ турган эшикдан қўшни хонадаги операция столини кўрдиму қўрқиб кетдим.

— Яна операциями? — дедим ҳамширага юзланиб.

— Тинчланинг, — деди у менга. — Бола кўндаланг жойлашган. Илгари ҳам болани ёриб олганимиз учун ҳозир тезлаштирмасак иш оғирлашиб кетиши мумкин. Насиб этса, ҳадемай ҳамма дардларингиздан фориғ бўлиб, кўрмагандай бўлиб кетасиз.

Тўғриси, шу пайт ҳамшира кўзларимга яхши кўриниб кетди.

Дарвоқе, мени столга ётқизишганда ҳам, оёқ-қўлларимни резина тасмалар билан маҳкамлаб, бурнимга зонт қўйганларида ҳам ҳеч қандай оғриқ сезмадим. Қолганини эслолмайман.

Киши ҳаёти давомида шундай лаҳзалар, соатлар бўладики, ҳатто энг меҳрибон ота-онанг ҳам жонингга ора киролмайди. Лекин оқ халат соҳибларидек ҳазрати инсонлар борки, улар жароҳатларимизга кўзлари нуридан малҳам босиб, юракларимизга меҳр шарорини ёғдира оладилар. Мен эсам, худойимга шукрлар айтиб, яна илҳом шалоласи ичра масрур ўтирибман.

Сиз сабаб дунёни қайта кўрдим мен,
Димоқларим туйди гулнинг исини.
Сиз сабаб дунёни кўрган Дунёнинг
Кўзларимга олиб суртай изини.
Тилимдан тўкилган дилбар ашъорим,
Борим сизга тутай гулдаста қилиб.
Оппоқ халатингиз каби бокира,
Оппоқ орзуларни юрингиз кийиб.
Йўлларингиз оппоқ, нурафшон бўлсин,
Илоё, оқ нурга тўлсин хонадон.
Минглаб Дилоромлар бахтига сиз ҳам,
Бор бўлинг, соғ бўлинг, юрингиз омон.

ИШОНГИМ КЕЛМАЙДИ

Ҳовлингизга иккинчи бор келишим. Илгари тўйда, бугун эса... Ҳамма сим-сим йиғлаяпти. Юракларим эзилиб, рост йиғлаяпти. Узоқлардан келишган бу диллари яқинлар.

Сиз бу хонадоннинг устуни эдингиз. Шундай устун қулади, эсиз... Энди устун бўлиб умр йўлдошингиз, болаларингиз туради бу уйда. Улар сиз кўтарган томни, номни кўтара олармикин? Сиздек безата олармикин?

— Нима учун бундай қилдингиз дўхтир?

— Гоҳида қийналиб кетдим ҳаётда.

ЖАҲОНГАШТА ОЛИМ ВА ДОМЛА

Товуш ва маъно

Тилдаги энг нозик муаммо-товуш ва маънонинг қандай боғланиши масаласи. Бу ҳақда қанчалаб китоблар ёзилган, турлича фикрлар айтилган. Бизнинг давримизда тилшуносликнинг товуш ва маънонинг боғланишига доир соҳасини фонология (лотинча фон — товуш, логос-фан) деб атай бошладилар. Бунга яқин яна бир соҳани фонетика (грекча фон-товуш, тика-фан) дейишади. Ана холос, номига қараганда, лотин ва грекча ҳар иккиси ҳам товуш ҳақидаги соҳа, баъзан фан деб ҳам аташади. Лекин биз билган фонетика энди товушларнинг ҳосил бўлиши, эшитилиши ва нутқ аъзоларининг товушларнинг талаффузида иштирокини ўрганади. Фонология эса, тилдаги товушларнинг маънони фарқлаш жиҳатини таҳлил этади ва ҳозир хорижда фонологияга алоҳида фан сифатида қарайдилар. Буни чуқур ўрганган Абдузуҳур Абдуазизовни юртимизда фонологиянинг асосчиси десак муболаға бўлмайди. У «Ўзбек тили фонологияси ва морфонологияси» (Тошкент, 1992) китоби ва шу соҳадаги қатор мақолалари билан танилди. Шу соҳадаги кўп атамаю тушунчаларни, ҳодисаю жараёнларни ўзбек тилига биринчи бор Абдузуҳур киритди. Унинг йирик фонолог олим эканлигини хорижий олимлар ҳам эътироф этганлар. Хусусан, Абдузуҳурнинг академик Ш. Шоабдураҳмонов билан ёзган туркий тиллар фонетикаси ва фонологиясига оид мақоласи ҳақида туркийшунос олим проф. Н. А. Баскаков «ажойиб мақола экан» деган эди.

Товуш ва маъно бирлиги — сўз. Сўз сизнинг ичингизда экан, у сизнинг қулингиз. Ташқарига чиққанда эса сиз ўзингиз унинг қули бўлиб қоласиз. Абдузуҳур ҳам товуш (ташқи жиҳати) ва маъно (ички жиҳати) боғлиқлигининг натижаси бўлмиш сўзнинг бир қули.

ТИЛЛАР ЙИРОҚ, ДИЛЛАР ПАЙВАСТА

1967 йилда Абдузуҳур Москва педагогика институти махсус кенгашида «Инглиз ва ўзбек тиллари унли фонемаларининг қиёсий таҳлили» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлади. Унга машҳур туркийшунос олим В. М. Насилов расмий оппонентлик қилди ва иш икки ойдаёқ тасдиқланди. Қарангки, ўша даврда ҳали ўзбек тили унли товушлари аниқ тажриба (эксперимент) асосида илмий тадқиқ қилинмаган эди. Лекин Абдузуҳур инглиз тили унлиларини ҳам шундай тажрибадан чуқур ўтказдики, ундан кейин тожик, қирғиз, молдаван ва бошқа тилларнинг унлиларини инглизчаси билан қиёслаш асос қилиб олинган номзодлик диссертациялари ёқланди.

1974 йилда Абдузуҳур Абдуазизов «Фонологик тизимларнинг типологиясига доир (инглиз ва ўзбек тиллари асосида)» мавзусида филология фанлари доктори илмий даражасини олиш учун диссертациясини ҳам Москвада яхши ёқлади. Ўша йилларда чет тиллари бўйича Тошкентда на номзодлик, на докторлик ишини ёқлаш мумкин эмас эди.

Абдумажид ўғли Абдузуҳур бир йўла герман ва туркий тиллари иқтисослари бўйича Марказий Осиёда биринчи ва энг ёш фан доктори бўлиб танилди. У Москвада Олий Тафтиш Комиссиясига кириб, докторлик ишининг тақдирини билгани борганида, «Ҳа, сени отанг юбордими»? — деб сўрашган экан. «Йўқ, бу — ўзим» — деганида «Жуда ёшсан-ку!» — деб ҳайрон бўлишган. У ўшанда 36 ёшли навқирон, озғин, чайир, заҳматкаш йигит эди. Замонлар ўтиб, у йирик олим бўлди. Айтишларича, А. А. Абдуазизов инглиз тили фонетикаси ва фонологиясидан ўша собиқ бутуниттифоқ доирасида учинчи профессор бўлган экан. Биринчилар — проф. Г. П. Торсуев, проф. В. А. Василев — оламга донги кетган московлик олимлар бўлиб, ҳаётдан кўз юмишганига анча вақт бўлди.

Абдузуҳурнинг мақола ва тақризлари Московнинг турли журнал ва тўпламларида босилган. У тилшунослик назарияси ва инглиз тили бўйича бир қанча дарслик ва ўқув қўлланмаларининг муаллифи. Анчагина шеър ва ҳикояларни инглиз тилидан ўзбекчага дўндириб таржима қилган. Бу унинг шоиртаъб инсон, диди нозик ижоднинг эканидан гувоҳлик беради.

ТИЛ БИЛГАНГА КЕНГ ДУНЁ

Олим бир мақоласини шундай номлаган. У хорижий тилларни билишга ёшликдан қизиқар эди. Тошкент давлат чет эллар институтини 1961 йилда инглиз ва ўзбек тиллари ва адабиёти матахассислиги бўйича имтиёзли диплом билан тугатган. Тил билишнинг макони ҳам, чегараси ҳам бўлмайди. А. Абдуазизов Афғонистондаги Кобул университетида 1981—1983 йилларда профессор-маслаҳатчи бўлиб хизмат қилди. Уруш бўлиб турган юртда довюраклик билан афғон талабаларига тилшунослик фанининг сирларини ўргатди. Ўзи дарий тилини ўрганди ва шу тилда маърузалар қилди. Иккита дарслик ёзиб нашр эттирди. Йигирмадан ортиқ мақолалари Кобулдаги журнал ва илмий тўпламларда босилиб чиқди. Унинг асарлари ўзбек, рус, инглиз ва дарий тилларида чоп этилганлиги билан хорижда ҳам қадр топди. Ўтган йили «Ўзбекистонда тил муҳити» номли мақоласи Ҳиндистондаги Кашмир университети илмий тўпламида шоён бўлди. Унда юртимизда Давлат тили ҳақидаги қонуннинг қабул қилиниши катта тарихий ҳодиса эканлиги алоҳида таъкидланади. Шу мақола асосида у «Истиқлол ва Давлат тилининг истиқболи» номли рисоласини чоп эттирди, камина унга масъул муҳаррирлик қилдим. Китобда давлат тили ғоясининг жаҳоншумул аҳамияти очиб берилган. Абдузуҳур хизмат ташрифи билан АҚШ, Туркия, Белгия, Дания ва Италияда бўлди. Ва турли анжуманларда инглиз тилида маруза қилди. «Тил билганга дунё кенг» деб шуни айтар эканлар-да!

ҲАЗРАТИ АМИР ТЕМУРНИНГ ИККИНЧИ УНВОНЛАРИ

Абдузуҳур қайси юртга бормасин, у ерда Ватанимиз, халқимиз, илму фанимиз, одамларимиз ҳақида қандай фикрлар борлигини ўрганади, китоб ва журналларни варақлайди. Бир гал Италиянинг Хомо ороллари Бедаджио шаҳарчасидаги илмий кутубхонада бир китобни кўриб қолади. Унда турк тарихчиси Мустафо Алининг (XV аср) соҳибқирон Амир Темур ҳақида ёзганлари инглиз тилида берилган экан. Китобнинг зарур саҳифаларидан нусха олади. Турк тарихчиси ўша замонда учта соҳибқирон бўлгани, улар: Искандар Зулқарнайн, Чингизхон ва Амир Темур эканликларини кўрсатиб ўтади. Бобокалонимиз номлари дарж этилган жаҳоншумул фотиҳлардан фарқланиб, бир йўла ҳам **соҳибқирон**, ҳам **соҳиби зухур** бўлганлигини бир неча бор такрорлайди. Фалакнинг гардишини қарангки, жаҳонгир бобомизнинг иккинчи унвонлари «Соҳиби зуҳур» бўлганини Италиянинг бир чеккасидаги кутубхонадан, ер юзида «1996 йил — Амир Темур йили» деб эълон қилинганда, беш асрлик давр ўтгандан кейин ўзбек фарзанди Абдузуҳур билиб қайтди. Бу хабарни эшитган аллома тарихчимиз Бўрибой ака Аҳмедов дарров мақола тайёрлашни сўради ва унга ўзи сўзбоши ёзди. Мақола «Халқ сўзи» рўзномасида босилди. Бундан руҳланган тилшунос олим Амир Темур Кўрагон ҳаёти ва фаолиятининг хорижий элларда ўрганилишига доир бир қанча мақолалар эълон қилди. Бу билан у Ватанимиз ва бобокалонимиз тарихини ўрганишга ўз ҳиссасини қўшди. Бугина эмас, Туркияда нашр этилган Фуад Бозкуртнинг «Туркларнинг тили» (Истанбул, 1992 й.) деб номланган, туркий халқлар тарихи ва тиллари, хусусан, ўзбек тили ҳақида қизиқарли маълумотлар тўпланган китобга батта тақриз эълон қилди. Айниқса, унинг Юсуф Хос Ҳожибнинг «Қутадғу билиг» асарининг инглиз тилига таржимаси (Р. Данкоф бажарган) ҳақидаги мақоласи кўпчиликка манзур бўлди.

МАКТАБ

Абдузуҳур — аллома Воҳид Абдулло домланинг жияни. Донишманд Воҳид домла менинг ҳам устозим. Бу буюк инсоннинг кўплар қатори ўз жиянига меҳри бисёр эди. Асли самарқандлик ҳунарманд Абдумажид ака фарзандларини ўқитиб, илмли қилишни, уларни кўпроқ жияни Воҳид Абдуллога тақлид қилиб ўқишларини орзу қиларди. Мана, орзулари ушалди. Ногирон ҳунарманд отанинг ўзлари эса кечаю кундуз меҳнат қилиб, оламдан ўтиб кетдилар. Аллоҳ раҳмат қилсин. Ҳозир Абдумажид аканинг саккиз фарзандидан учтаси фан доктори, иккитаси фан номзоди. Воҳид домланинг назари тушган ҳунарманд хонадони олимлар оиласига айланди. Илло, улуғ устознинг кўп хислатлари Абдузуҳурда ҳам бор, зуҳур кўрсатган, зеро, у ҳам касби филолог. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. «Аввал ўзбек тили ва адабиётини ўрган, кейин чет тилини бил, шунда чинакам одам ва олим бўласан, тулпор», — деб насиҳат қилган эканлар устоз. Ҳа, киши бошқа тилда билимли бўла олади. Аммо она тилидагина бекаму кўст, комил инсон бўлиши мумкин. Она тилини эъзозлашни, қадрлашни ва асрашни маърифатли миллатлардан ўрганмоқ лозим. Мулла Абдузуҳур бу гапларга, тўла амал қилувчилардан бири. У «Тил-маданият кўзгуси» рукнида ойнаи жаҳонда она тилимиз — давлат тилини астойдил, жон қуйдириб ташвиқ қилди.

ҲУББУЛ ВАТАН

Бир куни Абдузуҳур Абдумажид ўғлидан сўрадим:

— Мана — мағрибу машриқ юртларида кўп бўлдингиз. У ерларда Ватанимизнинг қадри ўтадими?

— Нимасини айтасиз, домлайи киром, — қайси юртга бормайин, она Ватаним кўз ўнгимда ястаниб туради. Дўстларим, ҳамкасабаларим билан жонон суҳбатларимизни қўмсаб қоламан. Буюк ҳофиз, отажонимнинг дўстлари Комилжон Отаниёзовнинг мана бу қўшиғини хиргойи қилиб юраман:

Қизилқумда пода боқсам кўринмас,
Ёт элларда жафо чексам билинмас.
Бошқа юртнинг боғи билан боғчаси
Ўз юртимнинг янтоғича кўринмас.

... Мана, Абдузуҳур домла ҳам табаррук олтмиш ёшни қоралаб қолибдилар. Умр оқар сувдек ўтаверади... Инсон вақт оғушида яшайди. Шу вақтдан унумли фойдаланиб, соғу саломат, юксак зафарларга интилиб, парвоз қилаверинг. Илмий ижодингизга баракот тилаб, сизни бағрига босиб табрикловчи, бир умрлик акангиз, оғойи

Ғайбуллоҳ АС-САЛОМ

ҚАЙТА КЕЛДИМ

— Не учун мижжангиз намдир сўнгги дам?
— Ҳайкал кўёлмадим ишқда, саботда.

Қўлларини кўкка чўзиб, шамолда чайқалиб турган дарахтларга қарасам, сиз ёдимга тушаверасиз. Беғубор осмонни, рангин гулларни қайта кўришни (аввали худоку-я) сиз менга насиб этдингиз. Дарахтларга қарайман. Бирорта барг йўқ. Умр дарахтининг яшириб қўйган биргина барги — сиз ҳам оҳистагина ерга қўндингизми? Шунга кўндингизми, дўхтир...

— Йўқ, ҳеч қачон кўнгим келмайди бунга,
Ахир мумкин эмас бундай бўлиши.
— Ризқ аталган ҳаёт дастурхонида,
Қизчам, олар экан ҳар ким улушин.

Оқлик фақат сизга хос экан, туғилдингиз, ўрадилар оппоқ матога, кийиб юрардингиз оқ, оппоқ халат. Сўнгги дамда ҳам оқлик ичрасиз. Ниятларингиз, бажармоқчи бўлган ишларингиз-да улуғ эди-ку, дўхтир, уз-о-оқ умр тилардим-ку, сизга дўхтир...

Қулоғимга ҳатто хабар ҳам йиғлаб кирди,
Қулоғимга эмас, дилимни тиғлаб кирди.
Ўлимнинг пойида йиқилди бу беҳуш жон,
— Бунча эрта келдинг, сенда йўқ экан виждон.

Мен нега йиғлаяпман, ўзи? Нега жоним томоғимга тиқилгандек бўляпти? Ким эдингизки, ўлим мени бунчалик ларзага соляпти?

Жарроҳлик столида ўлим билан олишиб ётганим эсингиздами? Бир маҳал кўзларимни очдим, оқ ранглар қоришиб кетди. Бошим узра турган гавдангизни зўрға илғаб олдим. Нигоҳларим биринчи бўлиб сизга тушди. Мана, ким бўласиз менга. Наҳот энди сизни кўрмасам. Ишонгим келмайди, бунга.

Сизни нечалар, неча бора ўлдига чиқаришди. Кимга, нимага, нима учун керак эди бу. Кошки бу галгиси ҳам ёлғон бўлса дўхтиржон.

Бунча аччиқ хабари шароб,
Оташига беролмасман тоб.
Йиғла энди эй моҳ, эй офтоб,
Кетдилар-о менинг дўхтирим.
Қани энди шу сафар ҳам бу —
Хабар ёлғон бўлса эди-ку.
Ўртанмоқда юрак ҳам туйғу,
Кетдингизми жаннати бўлиб.
Қайта келмас бундайин одам.
Изин топмас изласа олам.
Лекин алам қилар жуда ҳам
Ёшин яшаб ўтмаса яхши.

Кўнгилсизликни сезган экан-да, шу куни осмон тинмай йиғлади. Уйларнинг елкаларига нам ўтиб кетди. Осмон эса кўз ёшлари билан ерни қамчилайверди. Деразанинг қоп-қора кўзларига шиддат билан урилган томчилар тирқираб кетарди. Ҳаёт экан-да, дейман гоҳида ўзимга таскин бериб. Шунда файласуф Хайёмнинг мана бу рубоийси ёдимга тушади:

Кекса, ёш ҳар кимки ҳаётга етар,
Ҳаммаси бирма-бир, изма-из ўтар.
Бу дунё ҳеч кимга қолмас абадий,
Кетдилар, кетамиз, келишар, кетар.

Баъзан ўша ёқларга йўлим тушса, қизалоғим Дунё билан гуллар кўтарганча қабрингиз бошига борамиз. Бир дам хаёлан суҳбатлашгандай бўламан.

— Қизим, — дейман унга қараб, — мени иккинчи бор ҳаётга қайтарган, сени илк бор муқаддас қўлларида тутиб шу ёруғ дунёга олиб чиққан дўхтир Нарзулла Зиёдуллаев ётибдилар бу ерда. Буни менга айтиш оғир, қизим. Дўхтир жаннати одам эдилар. Минглаб Дилоромлар, минглаб Дунёзодалар дуосини олган дўхтиримиз 1997 йилнинг январида, рўзанинг тўртинчи кунида бандаликни бажо келтирдилар.

Мана, яна рамазон ойи бошланди. Мен интизор кутган муборак кун келди. Рўза бобом кириб келдилар. Қалбларимизга ёруғлик кирди. Илоё, қабрингиз гулларга тўлсин, худо раҳмат қилган бўлсин, дўхтиржон:

Соғинсам мийиғда кулишингизни,
Чўнтакка қўл солиб туришингизни.
Коридор тўлдириб юришингизни,
Қаердан излайин энди, дўхтиржон?
Юрак тўлиб-тўлиб афғон этади,
Танимда тиғ изи битди, битади.
Қўлимни ҳар ерга чўзсам етади,
Сизга етмади-ку кўришай десам.
Оҳ, сизга қанчалар қўйгандим ихлос,
Шум хабар кўнглимни синдирди бехос,
Мендан йиғлоқ шеърлар қолганда, холос,
Сизга бир умрга яхшилик қолди.

Дилором ИСМОИЛОВА



***

Бироз вақт ўтгач, Абдубоқи катта лаганда палов билан матал ўқиб, кириб келди:

Меҳмон келар эшикдан,
Ризқи келар тешикдан.

— Уста пазанда, ҳам сухандон, — деди Абдул Раҳим унга ишора қилиб.

— Кўп мақтаб юборманг ака, доим сиз мақтайдиган, устига зирвагу қалампирлар босилган Фарғонача чойхона паловга ўхшамайди, — у бу гаплари билан шеригини Ўзбекистонда икки-уч бор бўлганлигига ишора қилиб ўтди.

Ўзбек ҳамма жойда ўзбек экан. Баъзи мезбонларга ўхшаб нима ейсан, қорнинг қалай? деб ўтирмайди, топганини олдингга келтириб ташлайди ва албатта қайноқ чой ичирмай, палов едирмай жўнатмайди.

Мезбонларнинг таърифлашлари бўйича, Абдул Раҳимнинг «доно маслаҳатлари», Қози «калон» ёқиб турган «оташ тафти», Абдубоқининг «капгури остида» пишиб етилган таом сабзи-гурунчи алоҳидалиги билан «Фарғонача палов»дан сал ажралиб турса-да, хушбўй ва тотли эди.

Ҳаммамиз иштаҳа билан едик.

Дастурхон йиғиштирилгач, Тоҳир Аслам бир четда турган атлас тугунга ишора қилиб:

— Бундай ажойиб палов ижодкорлари таҳсин ва инъомга лойиқ деб ўйлайман, — деди.

Мен:

— Тўғри айтасиз, Тоҳир, қани ўзингиз ёрдамлашиб юборинг! — дедим-да, тугунни ечиб, мезбонларга бир сидра сарпо-чопон, чуст дўппи кийдириб, белларига қийиқ боғладик.

— Мана, энди ҳаммамиз бир бўлиб — тўртта ўзбакка айландик. Бу сарполарни то Пешоварга боргунимизча эгнимиздан ечмаймиз. Кўриб қўйсинлар, биз кимлигимизни, — дея Абдубоқи қаддини ростлаб ғоз қараш қилдида, сўнг менга ўгирилди, — Хўш, тақсир, ўзлари қачон Исломободга қайтмоқчилар?

— Эрта ё индинни мўлжаллаб турибман.

— Яхшиси эртага йўл-йўлакай гап-гаштак қилиб, бирга кета қолайлик. Мошин тайёр. Келишдикми? — Абдул Раҳим бир менга, бир Тоҳирга қаради.

— Яхши маслаҳат! — дедим.

Тоҳир Аслам ҳам елка қисиб, илож қанча дегандай бўлди.

Эртага эрталаб соат тўққизларда Лаҳўр марказидаги «Ҳолидэй» емакхонасида учрашадиган, ўша ерда нонуштани бирга қилиб, йўлга тушадиган бўлдик.

***

Абдубоқи айтганидек, улар учовлари миллий кийимда — кеча биз кийдирган сарполарда келишди. Бу емакхона ходимлари орасида бироз жонланиш ҳамда қизиқиш уйғотди. Атрофимизда парвона бўлишди.

«Ҳолидэй»да асосан Хитой таомлари тайёрланар экан, чинни косачаларда бизнинг угра ошни эслатувчи майда гўштли овқат келтиришди. Сўнг ўртага масаллиғи жизиллаб қайнаб, қопқоғи четларидан буғ уфуриб турган мис това қўйишди. Албатта дастурхонда чаватига ўхшаш юпқа нон, ҳар хил резаворлардан тайёрланган егуликлар ҳам бор эди.

Нонуштадан кейин Тоҳир Аслам билан хайрлашар эканмиз, у тайинлади:

— Тушликни «Осмон йўли»да қилинглар. Халил соҳиб кутиб олади. Телефонда айтиб қўяман!

Японияда ишлаб чиқарилган бақувват «Ниссан» машинасига ўтириб аэропорт томон кетдик. У ерда Асадуллахон тушиб қолди.

— Тақсир, бизлар билан кетмайсизми? — дедим ҳайрон бўлиб.

— Сизни дўстлар билан таништириб қўйиб, елкамдаги қарздан қутулдим. Бу ёғига йўл узоқ. Бемалол гурунг қилиб кетинглар. Сиқилишиб юрамизми! Мен учоққа чипта олганман. Мана, шопур Шоввали бу йўлларда юраверіб жуда «фас класс» бўп кетган. Сизларни зериктирмай олиб боради. Биз сизни Исломободда кутиб оламиз. Кўришгунча хайр!

Лаҳўр шаҳридан чиқиб, катта йўл бўйлаб 15-20 чақирим юрганимиздан сўнг Абдул Раҳим зорлангандай Абдубоқига деди:

— Биродар, сиз Чинда кўп бўлгансиз, кишини ёшартирадиган ҳар хил овқатларини кўп егансиз. Бугун еган таомларимиз мободо... илон гўштидан эмасмиди? Вужудим қизиб боряпти.

— Ростданам шундай бўлса, ўзингизни йигирма ёшли паҳлавон йигит бўлдим дейверинг. Морнинг гўшти кўп тансиқ, фойдали нарса! — жавоб қайтарди Абдубоқи.

Шундан кейин мавзу «илон шўрваси» атрофида айланиб, бир-бирига уланиб кетаверди.

Қози «калон» Мустазаф Шарқ табобатининг илми донишлари бу хусусда ёзиб қолдирганликлари, алоҳида «Тиббий сир-асрорлар» китоби ҳам борлиги ҳақида тўлқинланиб сўзларди.

У киши аввал ўзини қанчалик сиполиккa солишга уринмасин, вақт ўтган сайин юзларига қизиллик югуриб, нутқу хатти-харакатлари «жўшқинлашиб» борар, бундан Абдубоқи Туркистоний илҳомланиб гапдан гап чиқарарди.

«ОЛТИН DEBOP» ТИРҚИШИDAH

ПОКИСТОНЛИ ЎЗБЕКЛАР

Хуллас, эрталабки нонуштанинг «зўри»данми, уч-тўрт жойда ташналикни босиш учун муздай чанқобосди шарбатлар ичдик, яна беш-олти шишадан ўзимиз билан олволдик ҳам.

Лаҳўр-Исломобод Катта йўли бўйлаб кета-кетгунча тез-тез учраб турадиган гавжум чойхона-ю бозорчалар олдида машинамиз тўхтаб, ундан бу томонларда урф бўлмаган кийимли «меҳмонлар» тушиб келишгач, кўпчилик уларга қизиқишиб қарашар, илтифот билан «Ассалому алайкум» дейишар, ҳар ён-ҳар ёндан «Ўзбекистон» деган шивирлаш эшитилиб қолар, чаққон дўкондорлар эса атрофимизда парвона бўлишарди.

— Кўряпсизми, — дерди шундай пайтларда Абдул Раҳим мени четроққа тортиб, — тўрт-беш йил аввал «Ўзбекистон» сўзини тасаввур ҳам қилишолмасди. Бу ҳаммаси — Истиқлол шарофати!

Қози Мустазаф чинданам йўл юрганимиз сайин кўз ўнгимда ўта зукко ва теран билимли инсон сифатида гавдаланиб борар, худди сим-сим эшикларини аста очаётган афсонавий хазинага ўхшарди. Унинг гаплари лўнда ва аниқлиги билан кишини ҳайрон қолдирар, бу кечаги ёки бугун эрталабки қисиниб-қимтиниб ҳокисор ўтирган одамга асло ўхшамасди. Адабиёт, фалсафа, дину диёнат, ҳандаса ҳам табобот илмидан тортиб, қадимшунослигу ҳозирги замон сиёсат майдонидаги бўхронлардан яхши хабардор, шу билан Туркистонимиз ўз бошидан кечирган қонли фожиаларни йилу кунигача адашмай айтиб берадиган хотираси ҳайратланарли даражада кучли эканки, шундоқ кичкина вужудга бу даражада ақл-заковатнинг залварли уммони қандай жо бўлдийкин деб ўйланиб қоласан.

Яна маълум бўлишича, «Ньюз»даги интервюни ўқиб, шерикларини хабардор қилган, каминани Асадуллахон орқали йўқлатган ҳам шу киши экан.

Ўзимни қизиқтирган нимаики савол бўлса «Доктор Қози» (мен шундай деб атай бошлаган эдим) дан батафсил жавоб олардим.

Гап шоиримиз Эркин Воҳиднинг «Ўзбегим» қасидасига келиб тақалди.

— Ҳа, Иқбол ҳам бир пайтлар «Таронаи Ҳинд»ни ёзган. «Ўзбегим» қасидаси ўзбакларга — ҳаммамизга бағишланган таронадир. Лекин шоиру замонамиз, — дея бир лаҳза жимиб, сўнг таъкидлаганидек қўшимча қилди суҳбатдошим, — «Ўзбегим»га ҳали кўп қўшимчалар киритишлари керак...

Вақт пешиндан ошганда Лаҳўр-Исломобод йўлининг қоқ ўртасида жойлашган, шоирона номли Тоҳир айтган «Осмон йўли» ресторанига кириб келдик.

Бўш жойлардан бирига ўтириб улгурмасимиздан қаердандир пайдо бўлиб қолган ресторан хўжайини Халил соҳиб қўярда-қўймай ичкарига — хосхонага бошлади:

— Ҳурматли меҳмонларга яраша жойимиз бор. Йўлда чарчаб қолмадингларми? Хуш келибсизлар. Анчадан бери кутаман, Тоҳир ошнам эрталаб қўнғироқ қилганди.

Биз бир неча кун олдин Лаҳўрга кета туриб шу ерга тушиб ўтган, Тоҳир қадрдон бу оғайниси Халил соҳибга мени хўп таъриф этиб таништирганди.

— Қалай, бизнинг юрт — Лаҳўр сизларга ёқдими? — деб сўради тўрда савлат тўкиб ўтирган Абдул Раҳимдан ресторан хўжайини.

— Жуда ажойиб шаҳар, одамлари ундан ажойиб!

— Вах-вах! Бизнинг урдуча каломни хўп чиройли талаффуз билан айтасизлар.

Қози Мустазаф кичкина бошга сал катталик қилиб турган дўппини пешонадан юқори кўтариб тўғрилаб олди-да, мезбонга лутф этди:

— Жаноб, азал-азалдан биз ўзбаклар лисоин тилли бўлганмиз. Аждодларимиз Ал-Беруний, Ал-Хоразмий, Ибн Сино, Ал-Бухорий, Заҳириддин Бобурни эсланг!

— Бешак, гапларингиз тўғри. Шундай буюк зотларга риштадорлиги бор сизлардай меҳмонларнинг ташрифидан бошим осмонга етди.

Мен сўз ўйини қилдим:

— Ўзи «Осмон»да ўтирибмиз-ку!

Халил соҳиб ўзини тутолмай завқи жўшиб кулиб юборди.

Шу орада ёшгина йигит кириб, нима тамадди қиласизлар, буюринг дегандай бизларга қаради. Бироқ, хўжайин биронтамизни оғиз очишга қўймади. Йигитчага ўқдиргандай деди:

— Худди ўша душанба кунидагидай энг аввал дастурхонга нон, чой келтиринглар. Чой албатта ўзбакча бўлсин!

— Халил соҳиб, узр сўраб, гапингизга қўшимча қилсам.

Марҳамат дегандай у мен томонга қаради.

— Маълумки, Ўзбекистонда чой ниҳоллари ўсмайди. Ўстиришга ҳаракат бўлди, лекин иқлим кўтармади. Шунинг учун бу хушбўй ичимликнинг «масаллиғи» Ҳиндистон, Шри Ланка, Индонезия, Хитой мамлакатларидан келтирилиб, ўзбекча усул билан чой дамланади.

— Гапингизга тушундим, — деди Халил соҳиб ҳамон мендан кўзини узмай, — чойни айтган усулингизда қойиллатиб дамлаймиз. Лекин «масаллиқ» қайси мамлакатники бўлсин?

— Ҳозир бизда Шри Ланка чойининг мавқеи баланд!

— Хўранданинг, айниқса меҳмонларнинг истаги биз учун қонун. Ҳозироқ бу масалани ҳал этишга киришамиз, — мезбон ташқарига чиқиб кетди.

Дастурхонга муздай шарбатлар қўйилди, ҳар-хил таомлар келтирилди, бироқ, чойдан дарак бўлавермади. Мулозимга бу ҳақда икки-уч бор эслатиб қўйдик ҳам, натижа чиқмади.

— Ниҳоят, бошлиқни чақиринглар, дедик.

— Томоқларимиз қақраб кетди, жаноб. Эрталабдан бери чой умидида юрибмиз, қачон келади? — Абдубоқи ҳиқичоғини шишадан қўйилган маданли сув билан босиб, Халил соҳибга қаради.

Ўз навбатида у қўлидаги ўяли телефонга ишора қилди:

— Яна озгина сабр қилинглар, ҳозир гаплашдим. Учоқ Коломбо аэропортидан «Осмон йўли»га қараб энди кўтарилди, дейишди. Масаллиқ етиб келсин!

— Эҳа, ортиқча кутишга вақтимиз йўқ! Майли, бу сафарча шу ернинг — Покистоннинг чойидан бўлаверсин! — деди жиддий оҳангда Абдубоқи.

Халил соҳиб:

— Меҳмонлар истаги биз учун қонун! — деб қўйди-да, юзига парда тутилган эшикка қараб буюрди, — Йигитлар, ўзимизнинг чойдан дамлай қолинглар!

Лаҳза ўтмай мулозим йигит киши бошига биттадан қилиб чой дамланган катта патнусни кўтариб кириб келди...

Дадахон НУРИЙ

XX аср Туркистони тарихига чизгилар

МУХТОРИЯТ ҒОЯСИ:

тарихи, амалга ошиши, ҳалокати

Ҳар ҳолда, феврал инқилобидан сўнг бир-бири билан боғлиқ икки масала кун тартибига қўйилмоқда эди: бири — Русиянинг бўлажак давлат тизими қандай бўлиши керак: иккинчиси — Туркистоннинг усули идораси энди қай йўсинда бўлмоғи лозим? Бу икки масала феврал инқилобидан сўнг Русия мусулмонлари, жумладан, Туркистон мусулмонлари қурултойларида кенг муҳокама этилди. (Русия мусулмонларининг съездларида иккинчи масала Русияга қарам бўлган мусулмон халқларининг келажакдаги давлат тузилиши қай тарзда бўлиши керак, қабилида қўйилган эди. («Турон» газетаси, 1917 йил, 22 апрель.)

Улар бу масалада икки хил давлат тизимини кўрардилар: бири подшоликнинг тикланиши: иккинчиси — республика бошқаруви тизими.

«Русиянинг бутун онгли қисми, асрлардан бери ҳар турли зулм ва жабрлар остинда эзилган қисми ва шул жумладан бутун мусулмонлар, ҳеч шубҳасиз, Русия идорасининг мундан сўнг жумҳурият асосина қурулувун тилар», — деб ёзган эди Оренбургда турк-татар ўрта тилида чиқадиган «Вақт» газетаси («Вақт», 1917 йил, 14 март).

Ушбу газета мухбири подшолик тузумининг ярамаслигини шундай муҳокама аралаш тушунтиради: «Энди биз нима қилишимиз керак? Романовлар ўрнига янги подшоҳ қўйиш керакми? Бунда, албатта, самодержавие ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Янги подшоҳ халқ тарафидан сайланиб қўйилачак ҳам машрутитка (Машрутит — конституцияси — Б. Д.) садоқат билан эмин этачак туб халқ қўлинда бўлуб министрлар кабинети парламентдаги халқ вакиллари билан тузилачак. Яъни чин маъноси билан машрутий подшоҳ (конституционный монархия) бўлачак. Шулай бўлғоч, бундай подшоҳликдан бизга не зарур?» Бу саволга мухбирнинг ўзи жавоб бераркан, амалда Русияда подшоҳ парламентга бўйсунмайдиган якка ҳоким бўлади, дейди. Фақат Англиядагина шундай бўлиши мумкин. У ерда парламент ва қирол бор. Қирол парламентни ҳурмат қилади, унинг ҳуқуқини чеклолмайди. Русия подшоси самодержавиега ўрганган. У самодержавие йўлидан кетмайди, деб ҳеч ким кафолат беролмайди. Шу боис жумҳурият (республика) тузумини талаб этиш керак (Ж.В. Машрутитми, жумҳуриятми. «Вақт», 1917 йил, 25 апрель).

(«Ж. В.». — Бу ўша даврдаги таниқли татар публицисти ва журналисти Жамолиддин Валидийнинг имзоси. У «Вақт» газетасига 1917 йил 21 декабрда чиққан 2297-сонидан бошлаб муҳаррирлик қилган).

Айни пайтда Русия фуқаролари, жумладан, мусулмонлари олдида қандай жумҳурият бўлмоғи керак, деган масала ҳам турарди. Бу масалада ҳам икки фикр туғилди.

Шу ўринда мазкур масалага туркистонликлар қандай ёндашганликларини кўриб ўтайлик. Улар бу масалани қурултойларида қизғин муҳокама қилган эдилар.

Умум Туркистон мусулмонларининг қурултойи 1917 йилнинг 16—17 апрел кунлари Тошкентда ўтказилганди. Унда ўша пайтда долзарб ҳисобланган 12 та муҳим масала муҳокама этилган бўлиб, шу жумладан Русиянинг ҳамда Туркистоннинг келажакдаги усули идораси қандай бўлиши юзасидан вакиллар фикр алмашдилар. Чунончи, депутат Серали Лапин Русия усули идораси 2 хилда бўлиши ҳақида фикрлар борлигини гапириб, бири — демократик республика, иккинчиси — федератив республика экани, иккинчи хил усул идора қарор топса, Туркистонга мухторият берилиши кўзда тутилажаги тўғрисида тўхталади.

Депутатлардан «Қори Самеъ, Тугусуев, Фарид, Заки Валидий, Маҳмудхўжа Беҳбудий афандилар, яна бир неча зотлар узун-узун сўзлаб, ҳозирга берилган ҳурриятдан фойдаланиб, ўзимизга афтонўмия олуб қолишимиз керак! Ҳозирги вақтни қўлимиздан берсак, иккинчи вақт афтонўмия оламиз деб, кўб талофатлар берурмиз, кўб қонлар тўкурмиз», деб қаттиқ туриб олишди, дея ёзган эди қурултойдан маълумот берган журналист Мирмуҳсин Шермуҳамедов («Турон» газетаси, 1917 йил., 25 апрел).

Съездга Қозондаги Марказий «Шўрои ислом» ташкилотидан вакил бўлиб келган «Вақт» газетаси таҳририяти аъзоси Кабир Бакир сўзга чиқиб, Туркистонга автономия бериш эрта, ҳозирча халқ жумҳурияти учун ҳаракат қилмоғимиз керак, автономия олиб, ҳалокатга учрамайлик, дейди. Унингча, Туркистонга автономия берилса ҳам, барибир, уни бошқарадиган маҳаллий кадрлар йўқ. Шу боис мавжуд аҳвол билан ҳисоблашиш керак (Ушбу манба).

Хуллас, шу икки хил фикр атрофида баҳс кетиб, съезд улардан биронтасини қабул қилолмайди. Туркистоннинг усули идораси қандай бўлишини ҳал этиш учун съезд 9 кишидан иборат бир ҳайъат сайлаш билан кифояланади.

Кейинчалик бу ҳайъат 13 кишига етказилади ва сентябр ойига бориб улар тузган дастурларини тақдим этадилар. Бу ҳақда биз сал қуйироқда тўхталамиз. Ҳозир эса, мазкур масалаларнинг Русия миқёсидаги аҳамиятини эътиборга олиб, умум Русия мусулмонларининг Москва ва Қозонда бўлиб ўтган қурултойларида ушбу масалалар қандай муҳокама қилинганига мурожаат қилайлик.

Москвада 1917 йилнинг 1—11 майида бўлиб ўтган умум Русия мусулмонларининг 1-қурултойида (Бутун Русия мусулмонларининг Нижний Новгород ва Петербургда бўлиб ўтган 1 ва 2-қурултойлари ҳисобга олинмай, яна умум Русия мусулмонларининг қурултойлари 1-дан бошланган) мазкур масала юзасидан икки хил фикр юзага келиб, делегатлар шу икки турли фикр атрофида чуқур мунозарага киришдилар. Бунга съездда ушбу масала юзасидан бир-бирига муқобил икки маъруза ўқилгани сабаб бўлди. Биринчи маърузачи Аҳмадбек Қаликов (Аҳмадбек Қаликов — умум Русия мусулмонлари съездини ўтказишга тайёргарлик кўрувчи муваққат марказ бюросининг раиси, 1-қурултойда эса Русия мусулмонлари Шўроси раислигига сайланган (Русиянинг усули идораси унитар демократик республика (марказлашган демократик республика) тарзида бўлсин, деган фикрни қувватлаб, қуйидаги резолюцияни овозга қўйиш учун тақдим этади:

а) Мамлакатнинг идораси адам марказият ва парламентарная демократическая республика ҳамда Қофқоз, Туркистон саҳро ва вилоятлари ва Сибирда кенг идораи мухтория усули узринда бўлурға тевиш.

б) Русия мусулмонларина маданий-миллий автономия таъмин этилсун» («Вақт» газетаси, 1917 йил, 14 май). А.Қаликов ва унинг тарафдорлари тасаввурича, Русияда, гарчи марказлашган (унитар) демократик республика қарор топган тақдирда ҳам, у тоталитар тузумдан йироқ бўлиши керак эди. Мамлакатда парламентнинг мавжуд бўлиши, демократик ҳуқуқларнинг устиворлиги, марказий ҳукуматнинг жойлардаги ҳокимият тузилмаларига каттагина ҳуқуқлар бериши назарда тутилганди. Русиядек улкан мамлакатда яшаётган турли миллатлар ўзларининг маданий-миллий масалаларини ўзлари ҳал этишлари, буларга марказий ҳукумат аралашмаслиги лозим эди. Бунинг учун турли миллатларнинг маданий-миллий марказзи ташкил этилиши ва муайян миллат вакили мамлакатнинг қайси бурчагида яшамасин, унинг маданий-миллий муаммосини ушбу марказгина ҳал этиши кўзда тутилганди.

Иккинчи маърузачи Бокуда чиқадиган «Очиқ сўз» газетасининг муҳаррири Муҳаммад Эминбек Расулзода (М.Э. Расулзода (1884—1954) — 1918 йилнинг майидан бошлаб Озарбойжондаги «Мусовот» фирқасининг раҳбари. Шўро ҳукумати ушбу фирқани таъқиб этгач, чет элга кетишга мажбур бўлган. 1985 йили Оксфордда унинг рус тилида «Пантуронизм ҳақида» сарлавҳали китоби нашр қилинган. Унда Октябр тўнтариши арафаси ва ундан кейинги воқеалар ҳақида ҳам маълумот берилган) бўлиб, у федератив демократик республика тузиш ғоясини ўртага ташлаб, қуйидаги резолюцияни делегатлар эътиборига ҳавола этади:

а) Русиядаги мусулмонларнинг манфаатларин, ҳуқуқларин энг кенг суратда таъмин этатурғон усули идора бўлса ун-да: територия (тупроқ) ҳам миллият асосларина қурулғон қўшма (федеративный) халқ жумҳуриятидир. Шунинг-ла баробар айрум бир ўрунда кўбчилик ташкил этмаган халқларга шахсий (персоналний) миллий мухторият берилур.

б) Русия мусулмонларининг умумий диний ҳам маданий ишларин идора этар учун қонун чиғорув ҳақина молик бўлғон бир умумий марказий мусулмон муассиси тузилур» («Вақт», 1917 йил, 16 май).

Бу икки резолюция тарафдорлари ўзларининг таклифларини ўтказиш учун баҳсга киришдилар. Жумладан, Федерацияга қарши бўлган делегат Аёз Исҳоқов (Муҳаммад Аёз Исҳоқий 1913 йилдан Петербургда татар тилида чиққан «Эл» газетасининг муҳаррири бўлган) унитар демократик республикани ёқлаб шундай далиллар келтирган: мусулмонлар кўпчиликни ташкил этувчи ҳамда ғуж бўлиб яшаётган жойларда миллий-территориал автономия, мусулмонлар кўпчиликни ташкил қилмаган жойларда шахсий, миллий-маданий автономия бўлсин дейилмоқда. Иккаласини бирданига амалга ошириб бўлмайди. Ё унисини, ё бунисини жорий қилиш керак. Ўзингиз ўйлаб кўринг, дея сўзини давом эттиради у, мусулмонлар Русиянинг 96 маъмурий ҳудудида яшайдилар. Бундан олтитасида аҳолисининг аксарият кўпчилигини ёки ярмини, 3 ўринда тўртдан бирини, 5 ўринда ўндан бирини, 10 ўринда бир фоизини ташкил қилади. Қолганларида бир фоизига ҳам етмайди. 96 нинг 80 тасида озчиликни ташкил қилади. Агар миллий-территориал автономия ташкил этилса, ана шу 80 ўриндаги турк-татарлар ўша ҳудуддаги кўпчиликни ташкил этувчи халққа сингишиб кетади. Бунинг оқибатида, айниқса, Волгабўйи татарлари учун ҳалокатли бўлади. Турк-татарлар олға кетсин десак, территориал автономияни қўйиб, шахсий, маданий автономия фикрини қувватлашимиз керак» («Эл» газетаси, 1917 йил, 12 май).

Унитар демократик республика ғоясини илгари суриб маъруза қилган А. Цаликов резолюциясида Русия давлати территориал-федератив ибтидо асосида ташкил топгундай бўлса, аграр масалани ҳал қилиш қийинлашади, ташкил қилинажак мусулмонлар штатлари деб аталадиган ерлардаги мусулмон ишчилар умум Русиянинг ижтимоий қонунчилигидан фойдалана олмасликлари мумкин, мусулмонларнинг бутунлай децентрализация бўлиши юзага келади, Туркистон ва Кавказда хотин-қизлар масаласини ҳал қилинишни қийинлаштиради, миллий масалани ҳал этиб бўлмайди. Русия ҳудудидаги мусулмонларнинг сиёсий кучи бўлиниб кетади. Шарқий ўлкаларда хон, бек, бой, шунингдек, шаҳар буржуазияси ва уламолар реакцион қисмининг ҳокимиятни эгаллаб олишларига олиб келиши мумкин, дея огоҳлантирилганди (Программные документы мусульманских политических партий. 1917—1920 гг. Оксфорд, 1985, 12-14-бетлар).

Маърузачи М. Э. Расулзода мухолифи А. Цаликов далилларига қарши контрдалиллар келтиради. Унинг фикрича, мазкур масалага кишилик маданияти ҳамда миллий манфаат нуқтаи назаридан қараш керак. Ҳукумат, давлат тизими кишилик маданиятини камолга етказиши учун миллатларга аввало, озодлик бермоғи лозим, мустақил, эркин бўлмаган миллат миллий-маданий жиҳатдан чинакам камолатга эришолмайди. («Эл» газетаси, 1917 й. 6 май).

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, миллий-территориал автономия талаб қилганлар ҳам мутлақо мустақилликни назарда тутолмаганлар. М. Э. Расулзода маърузасида уруш, сулҳ, темир йўллар, пул тизими, божхона хизмати, хорижий савдо каби масалалар марказий ҳукумат томонидан ҳал этилади, дейилганди. (Ушбу манба).

Бойбўта ДЎСТҚОРАЕВ
(Боши ўтган сонда. Давоми бор)

ҚУРЪОННИНГ ТИББИЙ МЎЪЖИЗАЛАРИ

Боши биринчи бетда

Ва бу уч ҳодиса асосан таҳорат ва ғусл олинаётганда юз бериши очиқ-ойдин тасдиқланган. Энди бу ҳодисаларни изоҳлаб берай:

Вужуднинг статик электрик мувозанати масаласи

Нормал вужуднинг қурилиши негизида электрнинг катта аҳамияти бор. Тани соғлик кўп жиҳатдан унинг мувозанатига боғлиқ. Аҳвол эса шундайки, ҳавода электр кучланишлари бузилиб туради, таъсири кўп бўлган сунъий толали кийимлар киямиз, минган уловларимиз, машиналар ичида ўтаётган кунларимиз статик электрик мувозанатни бузади ва биз учун жиддий муаммолар яратади. Автобусдан туша солиб хонага кирганда ва ё оромкурсидан қўзғалганда конденсатор каби ашёлар таъсирида ортиқча электронларга тўлиб кетамиз.

Булар, ундан ташқари чекиш ҳам бизни қаритади, бизга бемавруд таъсирлар ўтказади, айни чоғда кўп психозматик (руҳий-асабий) касалликларни келтириб чиқаради. Бу манфий (салбий) натижаларнинг бирдан бир чораси таҳорат ва ғусл-дир. Шунинг учун ҳам таҳорат олганларнинг юзлари нурли бўлади. Ажабо, Аллоҳ, таҳорат олинг, деб буюрганда шу мақсадни кўзлаганмиди, дегувчилар бўлса, жавобимиз тайёр: фақат бу эмас, туяммум ҳам таҳоратдан олинадиган фойдани таъминлай олади. Агар бундай бўлмаса, туяммум амр қилинмаган бўларди. Таҳоратдан бехабар бўлганлар, вужуднинг электростатик мувозанати бузуқлигини даф қилмоқ учун бутун дунёда акапунктир (нина билан даволаниш)га вақт сарфлаб, ўзларини илма-тешик қилиб ўтирмасдилар.

Циркуляция масалалари

Циркуляция — юракдан тўқималарга, тўқималардан юракка икки тарафлама оқим системасидир. Айниқса тўқималарда бу системанинг улови томирлар, қилдан ҳам ингичка найчалар ҳолида ишлаб туради. Мана шу ингичка капилляр найлар тизими,, ички доирада ишга тушмай қолган озиқ-овқат қолдиқлари туфайли ва бошқа сабаблар билан торайиб ёки умуман бекилиб, тўқималар керакли моддалар билан таъминланмай қолади. Мана шу ҳодиса вужуднинг бемаҳал қаришига асосий сабаб бўлади. Бу тарз қариш томирларининг йиллар бўйи давом этган шундай ҳаёти билан боғлиқдир. Томирлар резинка сингари эгилувчан ва чўзилувчан бўлиб турса ишлар осонлашади, аксинча торайиб қаттиқлашса, ишлар орқага қараб кетади, яшаш оғирлашиб бораверади.

Бу муаммолар амалий ҳаётда таҳорат ва ғусл орқали ҳал бўлади. Турли иссиқликдаги сув теримизга текканда, бир жиҳатдан, томирларнинг очилиб ёпилиш экзерсиси (машқи, тренировкаси) кўпаяди, иккинчи жиҳатдан, эндигина бўғилиб, тиқилиб қолган томирлар очилиб кетади.

Вужуд тўқималарида бириккан ортиқча моддалар умумий циркуляцияга ўтади. Шу тариқа тўқималарда зиндалик ғириллаб кетади, яъни жонланиш, тетикланиш юз беради. Ажабо, таҳорат шу мақсадда қилинадими? Бу саволга ҳам жавобимиз тайёр: чиқит бирикмалар асосан қўл, оёқ ва юзнинг капилляр найчаларида тўпланади. Таҳорат амаллари, сизга маълумки, шу жойларимизга тааллуқлидир.

Лимфа айланиши масаласи

Инсон вужудининг умумий ҳимояланиш системаси оқ қон айланиши орқали бўлади. Биз билган томирларга нисбатан бениҳоя ингичка бўлган капилляр найчалар, ленфоцит номли оқ қон ҳужайраларини тўқималарнинг энг чекка-чеккаларигача олиб боради. Вужуднинг қай ерида бир макруҳ (микроб), бир бегона нарса, чунончи, саратон (рак касали) ҳужайраси бор бўлса, бу майда жангчилар ўзидаги қўрқинчли заҳарлар билан уни ўлдирадилар.

Бир макруҳли касалликка учраш, саратонга дучор бўлиш, бу мудофаанинг бирон ерида бўшашиб қолиши демакдир.

Бу система кўп жиҳатларга эга ва ғоят мураккабдир. Лекин бу нозик томирчаларнинг жуда яхши ишлашини таъминлаш, соғлигини қадрлайдиган ҳар бир инсоннинг биринчи вазифасидир. Мана шу лимфа томирларининг соғлом ишлаши учун ҳам таҳорат ва ғусл керак бўлади, чунки бу, уларни ҳайратомуз неъматлар билан таъминлайди. Қўл, оёқларнинг ювилиши вужуд марказидан узоқ бўлган мучаллардаги қилдан нозик томирларда лимфа айланиши тезлигини оширади. Ундан ташқари, лимфа системасининг энг муҳим қисми бўлган юз, бўғиз ва бурунннинг ювилиши бу система учун бир массаж (уқалаш) ва кучлантириш омили бўлади.

Бу кун инсон биологияси соҳасида энг танилган, жаҳонга машҳур бўлган бирон олимдан: «Бу лимфа системамизга (тизимимизга) қандай қилиб тийраклик: жонлилик бера олишимиз мумкин? « деб сўрасангиз, сизга таҳорат олишни таърифлаб беради.

Ажабо, таҳорат олишдан мурод бу системага куч беришдан иборатми? Саволнинг жавоби очиқ ва равшандир:

1 — Таҳорат олиш билан вужуднинг энг чекка, энг кичик нуқтаси ҳам сакраб-сакраб ишлай бошлайди.

2 — Бурун, бўғиз қисмлари ва оғизу қулоқларнинг чайилиши (хўлланиши) бу системанинг яхши ишлашига қаратилган.

3 — Масаланинг энг муҳим томони шуки, таҳорат олишга амр қилган оят шу ҳикматга диққатни тортади. 5-сура 6-оят:

«Ё айюҳаллазина оману изо қултум илоссалоту фаъсилу вужуҳакум ва айдиякум илалмарофиқи вамсаху бируусикум ва аржилакум илайка байн ва ин кунтум жунубан фаттоҳору). Яъни:

«Эй мўъминлар, намозга турганингизда юзларингизни ва тирсак-дохил қўлларингизни ювинг, бошингизга масҳ тортинг (нам қўлларингиз билан силанг) ва тўпиқ дохил оёқларингизни ювинг, агар жунуб бўлсангиз, чўмилинг».

Оят шундан кейин таяммум борасида амр беради. Ва ниҳоят таҳорат нечун фарз қилинганини билдиради:

«Мо юрийдуллоҳу ли ажъала алайкум мин ҳаражин ва локин юрийду ли ютаҳҳаракум ва ли ютимма неъматаҳу алайкум ла аллаъкум ташкурун». Яъни:

«Аллоҳ сизларга қийинчилик чиқаришни истамайди. Лекин сизларни таҳоратли (покиза) қилишни ва ўз неъматини комил қилиб беришни истайди, зора шукур қилсангизлар»...

Ҳа... Демак, таҳоратнинг икки мақсади бор:

1 — Покизалик;

2 — Илоҳий неъматнинг комил қилиб берилиши.

Бу ердаги иккинчи мақсад устида фикр юритайлик: илоҳий неъматнинг комиллиги нима? Тани соғликдаги оқсашларни артиш... Вужуд статик электрик ҳолатини сақлаш... Модда алмашинувини таъминлайдиган ақл бовар қилмас томир системаси ва вужуд муҳофазаси учун ишловчи лимфа тизими ва булардаги оқсашларни таҳорат олиб аритиш. «Сизларга берган бу бебаҳо неъматларимни таҳорат амри билан комил қиламан» деб амр этаётир Аллоҳ. Бу неъматлар учун Аллоҳга шукур қилмаслик мумкинми? Таҳоратнинг маънавий ҳикматлари ҳам кўп. Уларни «Сўнгсиз нур» китобимда ёзгандим. Севикли ўқувчиларим! Биргина шу оятдан тиббий мўъжизанинг ўзи ҳам Қуръон — Аллоҳ каломи эканлигини ортиғи билан исботлайди.

Рўза мўъжизаси

Рўза амри «Бақара» сурасининг 184—187-оятлари орасида барча тафсилотлари билан келади. Кўп диққат қилиниши лозим бўлган ҳукм 184-оятдадир. Бу оятнинг сўнгги қисмида:

«Ан тасуму хойрун лакум ин кунтум таъламун», яъни:

«Аммо билсангиз, рўза тутиш сиз учун яхшироқдир», деб уқтирилган. Рўза мавзуида кенг тарқалган қаноат тўғрисидаги фикрлар ва бир нуқтада узр қидиришга интилишлар хатодир. Заиф кишилар, қон босими баланд бўлган беморлар ёки бир қатор эски касалликлари бўлган кишиларнинг рўза тутмай қўйишлари нотўғри. Чунки рўза вужуд учун калорий камайиб кетиши ёки таъминот чекланиши ҳодисаси эмас. Рўза вужуд механизмининг онгли равишда тафтиш қилиниши, кўздан кечирилишидир. Мана, ояти карима мўъжизавий ҳикмат билан тўла бу ҳақиқатни айтиб турипти. Тўғри, соғлиги жиҳатидан узрли бўлганларга рўза тутмасликка рухсат берилган. Лекин оятда масалани яхши билганлар учун рўза тутишда зарар эмас, аксинча фойда ва хайр борлиги билдирилган.

Рўзанинг ҳазм (сингишим) системасига кўрсатадиган мўъжизавий таъсирлари

Ҳазм қилиш системаси — вужуднинг энг тартибсиз, овқатлар тиқилиб кетган аъзолар оиласидир ва бутунлай компютерик, яъни бир-бирига электроник миялар билан боғланган ҳайратомуз бир қурилмадир.

Ҳазм системаси оиласининг энг оғир вазифалари ўзимиз билган жигар номли аъзога юкланган. Бу аъзо, ҳозирга қадар аниқланишича, 16 хил вазифани адо этади. Ва 24 соат ҳеч тинмай бир-биридан оғир ишларни қилгани қилган. Мана шу жигар рўза тутиш асносида ҳеч бўлмаганда 12 соатнинг 6 соатида вазифалари енгиллашиб, бир дам олишга ўтади. Эҳҳе, қанийди жигар ҳужайралари бир тилга кирса-ю, бу 6 соатлик дам олишнинг, ўзи учун нақадар катта неъмат эканлигини ҳикоя қилиб берса... Ҳеч бўлмаганда бу кунларимизнинг адашаётган баъзи бир кишилари жонимга мадор деб, бақувват овқатлар еб, ўз жигарларини ахлат тозалаш машинасига айлантириб қўяётганлари тўғрисида бир оз мулоҳаза юритсалар, «жигарим шу онда ичимда нима қилаётган экан?» деб хавотир билан ўйлаб кўрсалар... ўзларига фойда бўлар эди.

Эй, инсон, ҳеч бўлмаса йилда бир ой рўза тут, бечора заҳматкаш жигарингни ҳар куни бир марта 6 соат дам олдир. Вужуднинг бу марказий лабораториясига рўзадан бошқа йўл билан ҳеч қандай ёрдам бера олмайсан. Шунинг учун ҳам 184-оят:

«Аммо билсангиз: рўза тутиш сиз учун яхшироқдир», дея уқтиради.

Рўза, ҳазм системаси оиласига кирувчи бошқа аъзоларга ҳам жуда яхши истироҳат фурсати яратади. Оғиздан бошлаб тупук безигача, ундан то бениҳоя нозик аъзо — овқат ютиш найигача — ҳамма ҳаммаси учун йилда бир ой тутилган рўза — неъматлар ичида энг катта неъматдир. Бу пайтда ошқозон барча мушак (мускул)ларини дам олдиради. Ички пардадаги жамики заифликлар ўзини созлаб, таъмирлаб, ремонт қилиб олади. Баъзи бир илми чалароқ «доктор»лар ўйлаганидай, рўза пайтида ошқозон кислота чиқармайди. Рўза тутиш учун ният қилинган лаҳзадаёқ ошқозон шартли рефлексга ўтиб, кислота ажратишни таққа тўхтатади. 12 бармоқ ичак ҳам рўзадан ўзининг омонлик улушини олади. Зеро, бу аъзо жамики ҳазм системаси компютерларининг марказий нуқтасидир. У рўзада ҳар куни ўрта ҳисобда 10 соат дам олади. Ичаклар рўза асносида айниқса ички пардаларини ва улар ортидаги муҳофаза марказлари бўлмиш Пеер тангачалари (Пеер тангачалари — ошқозон соғлигини ҳимоя қилувчи майда, фақат микроскоп билан кўриш мумкин бўлган тангасимон заррачалар. Пеер — буни кашф этган олим) бир бор текширувдан ўтказиб, ишларини созлаб олади.

Рўзанинг модда айланиш системасига берадиган неъматлари

Жисмимизда қон ҳажмининг озайиши юракка жиддий бир истироҳат келтиради. Янада муҳимроғи, тўқималар орасидаги ортиқча сувни йўқ қилиб тўқима босимини пасайтиришидир. Халқ орасида «кичик қон босими» деб юритиладиган, қоннинг юракка босим бериши рўза чоғида пасаяди. Бу эса, юракка биз инъом этишимиз мумкин бўлган энг катта яхшиликдир. Тўқима босимини рўзадан бошқа йўл билан тушириш жуда қийин.

Модда айланиши системаси жиҳатидан энг муҳим масалалардан бири шуки, соғлом кишиларда қонга ўтган озиқ-овқатларнинг ҳаммаси фақат рўзали чоғларида куйиб кетади. Айниқса қондаги ёғ ва ёғсимон моддалар (липид) рўза тутилган пайтда минимал (энг оз) даражага тушади. Бу эса қаришнинг орқага сурилиши демакдир. Ёғ босиш (семириб кетиш) касалига учраганлар, яъни липиди ортиб кетганлар ҳам рўза тутишдан катта фойда кўришлари шак-шубҳасиздир.

Липид — томирнинг катталашиб кетишига таъмир қилиши аниқланган бугунги кунимизда рўзанинг томир системасига ҳам кўрсатаётган таъсири ҳақиқатан ҳам бир тиббий мўъжизадир.

Модда айланиш системасида муҳим ўрин бўлган буйракларнинг рамазон ойида ўзига хос дам олиш фазасига ўтиши ҳам рўзанинг бир неъматидир.

Рўзанинг ҳужайрага таъсири

Тўқима системаси ичида турли вазифаларни адо этувчи ҳужайралар, айниқса, овқат олди-бердисини ва ҳужайра ичида ҳамда ҳужайралар орасида сув мувозанатини бир тартибда тутишга мажбурдирлар. Ҳужайрани энг кўп чарчатувчи нарса ана шу оз даражага тушиши муносабати билан ҳужайралар учун енгил нафас олиш имкони туғилади. Рўзали одамнинг жамики ҳужайралари икки тарафлама бахтли бўлади:

1. Сув мувозанатини сақлаш машаққати ярим баравар озаяди.

2. Ҳужайраларнинг ўз вазифалари, айниқса, шира чиқарувчи ҳужайраларнинг иши яна оз савияга тушади.

Бу соҳада кўп тадқиқотлар ўтказган Ҳипофиз (Hipofiz), Диройт (Thyroid) ва Панкреасс (Pankreas) рамазонни соғиниб кутишлари мутлақо бежиз эмас.

Рўзанинг асаб системасига таъсири

Олдиндан айтиб қўяйки, нафсини тиёлмасликка оид бўлган рўза кашандалиги (рўза тутган ҳолда чекиш) асаб системасига ҳеч қандай наф келтирмайди. Бирон киши рўза оғиз экан, асаб системаси қатъиян юз фоиз дам олмоғи керак. Вужуд метаболизми (модда алмашинуви) кундузи энг оз савияга тушганда асаб системаси эътиборан марказидан бошлаб нисбий бир дам олишга ўтади.

Жинсий интизом ҳам, асаб системасидаги жамики тенгликларни аритганидан, унга алоҳида бир ором беради. Рўзанинг асаб системасига берган энг катта неъмати қаттиқ ҳаяжондан юзага келувчи руҳий зарбаларни йўқ қилишидир. Айниқса рўза ибодатлари (тарових каби) завқи барча қайғу-ҳасрат, маъюслик ва қўрқувларни йўқ қилиб юборади. Жуда чуқур ғам-ғуссаларни юрак тубларидан ўчиради. Руҳий зарбалар эса, маълумки, соғликнинг энг катта душманидир. Рўзанинг бутун системаларга сезиларли таъсири охир-оқибатда бир қатор умумий неъматлар ҳам олиб келади. Масалан, жигар дам олгани учун вужуд хавфсизлигига тайёрлаган ҳимоячи моддалари кучлироқ бўлади. Айни шу ҳодиса туфайли рўзадан сўнг ўзимизни касалликларга нисбатан бардамроқ ҳис қиламиз. Жисмимиздаги ортиқча юклар эрийди, иштаҳасиз ва заиф кишилар кучга кирадилар, тошлари ортади. Қонсизлар хоҳ ҳазм системасининг тартибига тушишидан бўлсин, хоҳ қондаги рағбатдан бўлсин — янада кўпроқ қон ишлаб чиқара бошлайдилар.

Ҳа, азиз ўқувчиларим, энди 184-оят орқали буюрилган «Агар билсангиз, рўза тутиш сиз учун яхшироқдир» жумласининг ҳикматини англаган бўлсангиз керак...

Шундай қилиб, Қуръоннинг ақлларни ўйга толдирадиган бу мўъжизаси яқин орада яна бир мўъжиза кўрсатишига аминман: ҳа, шундай замонлар келадики, бутун иноғонлар ҳам, иноғмаганлар ҳам, агар билимлари етарли бўлса, агар ширин жонларини севсалар... мутлақо рўза тутажаклари шак-шубҳасиздир. Лекин иноғиб рўза тутганларнинг қўлга киритажак неъматлари ва ҳикматлари ортиқроқ бўлгувсидир.

Миразиз АЪЗАМ таржимаси

ЎЗБЕК ҚИЗИ ИТАЛИЯ САҲНАСИДА

У дунёнинг энг кучли ўттиз қўшиқчиси сафидан ўрин олди.

Кулоқлар остида бир қўшиқ янграйди. Қўшиқки, ҳамиша мангу, барҳаёт муҳаббат, садоқат, эзгулик ҳақида куйлайди. Бу қўшиқ азал-азалдан куйланиб, нозик кўнгил изҳори бўлиб келган. Бу қўшиқ аслида кўҳна, айни чоғда янги қўшиқдир. Бу қушиқнинг номи — опера.

Маълумки, ЮНЕСКО 1997 йилда Операнинг 400 йиллигини нишонлаш ҳақида қарор қабул қилган эди. Шу муносабат билан операнинг дунёга келиш жойи, ватани саналмиш Италия пойтахти Римда ўтган йилнинг 8—15 ноябр кунлари бутун дунё кучли опера қўшиқчиларининг кўрик-танлови бўлиб ўтди. Бутун жаҳондан бу ерга тўпланган 450 нафар сара опера қўшиқчилари куч синашдилар. Бизнинг республикамиздан ҳам икки нафар умидли опера қўшиқчиларимиз мана шу эътиборли ҳам фахрли танловда иштирок этдилар ва улардан бири ушбу танловда ғалабага эришди. Улар, ушбу танловда иштирок этганлар — Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган артист Муяссар Раззоқова ва Ўзбек Давлат Катта академик опера ва балет театри солисти Нормурод Султоновлардир.

Муяссар шу кўрик-танловнинг уч туридан ўтиб, Фарангистон пойтахти Париж танловига йўлланма олишга муваффақ бўлди. Ёзмоқчи бўлганимиз мақола қаҳрамони ҳам Муяссар бўлганлиги учун у ҳақда батафсил тўхталамиз. Муяссар ўзини халққа танитиб, ўз мухлисини топиб улгурди, десак янглишмаган бўламиз. Ёдингизда бўлса, 1996 йилда ўзбек маданий ҳаётида диққатга сазовор воқеа юз берган эди. Яъни академик опера ва балет театримизда Италия давлатининг Ўзбекистондаги элчихонаси кўмагида, италян режиссёри Франческо Сфорца ҳамкорлигида, театр ижодий жамоасининг саъй-ҳаракатлари билан италян композитори Гаэтано Доницеттининг «Лючия ди Ламмермур» операси саҳнага қўйилди. Бу опера машҳур инглиз адиби Валтер Скоттнинг «Ламмермур келини» романи асосида яратилган эди. Умри давомида 64 та опера ёзган, жуда сермаҳсул ижод қилган Гаэтано Доницеттининг бу операси ўз даврида катта шов-шувларга сабабчи бўлди, донғи бутун Европа бўйлаб таралди. Операнинг бу қадар овоза бўлишига сабаб, аввало, у муҳаббат қўшиғи, кўнгил қўшиғи эди. Ва бу муҳаббат қўшиғи баланд ноталарда, фавқулодда кучли садолар, ранг-баранг оҳанглар, ажойиб мусиқа остида ижро қилинар эди. Опера кучли овозга мўлжаллаб ёзилган эди. Табиатан аёллар овози уч турга бўлинади: сопрано, меццо сопрано, колоратурали сопрано. Опера қаҳрамони — Лючия партияси айни шу колоратурали сопранода айтилиши керак эди. Колоратурали сопрано табиатда кам учраши билан бошқа овоз турларидан ажралиб туради. Жаҳон опера санъатида Лючия партиясини айни шу овозга эга бўлган машҳур қўшиқчилар — Мария Каллас, Жоан Сазерленд, Монтсеррат Кабелье... ва ўзимизнинг Муяссар ижро этдилар. Бу спектакл аншлаг билан ўйналди. Муяссар ўтира туриб «ми» пардасини олади ва зални гулдурос қарсаклар босади. Бу спектакл опера яратилган тилда, асл италян тилида ижро қилинганлиги билан ўзбек маданий ҳаётида воқеа бўлганлигини яна бир карра қайд қилиш зарур. «Люсия ди Ламмермур» операси театр репертуаридан мустаҳкам ўрин эгаллади.

Муяссарнинг италян саҳнасига қадар босиб ўтган йўлида яна бир италян тилида куйланадиган опера бор. У ҳам бўлса, италян композитори Жузеппе Вердининг «Травиата» операсидир. Мазкур опера ўз даврида машҳур бўлган, адабий давраларда анчайин шов-шувга сабаб бўлган атоқли фаранг адиби кичик — Александр Дюма ўғилнинг «Қоқигул кўтарган хоним» («Дама с камелиями») романи асосида, унинг таъсири остида яратилди. Асарда куртизан аёл Виолеттанинг граф Алфредга оташин муҳаббати ҳақида ҳикоя қилинади. Кишиларда енгилтабиат, муҳаббат ўйинини ўйновчи аёл таассуротини қолдирган, жамият наздида оддий инсоний бахтдан маҳрум гўзал аёл Виолеттанинг фожиали муҳаббати сеҳрли мусиқа, ажойиб қўшиқлар воситасида ифода этилади. Операда ана шу адолатсизлик туфайли бахтига эриша олмаган аёлнинг мардларча ўзини қурбон қилиши ҳақида куйланади. Муяссарнинг бу партияни қандай севиб ижро этганлиги, италян режиссёри Франческо Сфорца айтмоқчи, бутун замонавий опера талабларига, яъни куйлай туриб, ҳаракат қилиш, образ яратишга эришиши бошқа бир мақолага мавзу бўла олади.

Яна Рим кўрик-танловига қайтамиз. Танловга бориш ҳар иккала санъаткорларимиздан анча саъй ҳаракатларни талаб этди. Шу ўринда бир нарсани қайд қилиб ўтиш лозим: Ўзбекистондаги Италия элчихонаси икки опера қўшиқчиларимизни Италия кўрик-танловида иштирок этишлари учун жонбозлик кўрсатди. Италия давлати ҳар бир санъаткор учун $ 5000 миқдорида маблағ ажратди. Жаҳондаги авиакомпаниялар орасида йўловчига кўрсатиладиган комфорт-қулайлиги, сервиси жиҳатидан энг яхши деб саналган Олмониянинг «Люфтганза» авиакомпанияси ёрдамида улар Римга етдилар.

Кўҳна Рим шаҳри, барча санъатлар бешиги, айниқса опера ватани саналмиш Италия санъаткорларимизда катта тааасурот қолдирди. Италия давлати нима учун бундай катта сарф-харажатларни бўйнига олди, жаҳон бўйлаб опера қўшиқчиларини тўплади? Бу сўроққа жавоб тайёр. Италия давлати ўз тупроғида яратилган опера санъатининг келажагига бефарқ қарай олмайди. Дунёга келган ҳар бир янги овозга ҳомийлик қилиш — XXI аср бўсағасидаги опера ривожига кўмаклашиш эканлиги равшан. Бу — биринчиси. Иккинчиси — юқорида 1997 йилда операнинг дунёга келганлигига 400 йил тўлганлигини айтиб ўтдик.

Шундай қилиб, Римда жаҳоннинг ўттиз мамлакатидан 450 нафар опера қўшиқчилари йиғилди.

— Дастлаб саҳнага чиқиш олдидан жуда ҳаяжонландим, — дейди Муяссар. Кўрик — танлов уч турда ўтди. Муяссарнинг назарида уч тур — забт қилиниши керак бўлган уч довон бўлиб туюлди. Биринчи турда Моцартнинг «Рондо Зилберкланк» камер операсидан Зилберкланк ариясини, Россинининг «Севиля сартароши» операсидан Разина ариясини айтиш керак эди.

Иккинчи турда эса Жузеппе Вердининг «Травиата» операсидан Виолетта ариясини, Г. Доницеттининг «Лючия ди Ламмермур» ариясини ижро этилади.

Учинчи турда эса спектакллардан айрим саҳналарни ижро этиш талаби бўйича «Риголетто» ва «Лючия ди Ламмермур»дан парчалар ижро қилинди.

Ҳаяжонлар, умидлар уни алдамади. Муяссарнинг овози «белканто» — яъни энг тембри чиройли овоз деган ном олди. Ва у 450 та қўшиқчи орасидан дунёнинг энг кучли қўшиқчилари ўттизлигига кирди. Муяссар шу йилнинг апрел ойида Фарангистон пойтахти Парижда ўтадиган танловга йўлланма олди. Мазкур танловга машҳур қўшиқчи Д. Поваротти ҳакамлик қилиши назарда тутилмоқда.

... Олдинда янги-янги марралар, довонлар турибди. Санъаткор бир жойда ўзидан мамнун, бамайлихотир туриб қолиши мумкин эмас. Бу нарса ҳақиқий ижодкор табиатига ёт. Шундай, Муяссар олдиндаги довонлардан, навбатдаги беллашувлардан чўчимайди, ҳамиша изланади, олға интилади. Ўзбек овозини, санъатини оламга танитади.

Маъсума АҲМЕДОВА

РАМАЗОН ТУҲФАСИ

Муқаддас Рамазон ойи арафасида «Мовароуннаҳр» нашриёти республикамиз мўмин-мусулмонларига яхши бир совға ҳадя этди. Ҳижрий 1418—1919 йилнинг биринчи чорагига мўлжалланган «Мусулмонлар тақвим — китоби» босмадан чиқди. Тақвимдан Намоз вақтлари, Пайғамбаримиз Ҳадислари, Ҳазрат Али насиҳатлари, ривоятлар, дуолар, мусулмонларни яхшиликка етакловчи кўплаб ҳикматлар, ҳикоятлар ўрин олган.

Абдулазиз Мансур таҳрири остида чиққан бу тақвимга Урфон Отажон, Суннатилла Абдуманноп ўғли ва Тўлқин Абдуқосим ўғли тузувчи муҳаррирлик қилганлар.

Тақвим 25 минг нусхада чоп этилган.

ҲАЗРАТ АЛИ НАСИҲАТЛАРИ

Тил ширинлик мўминнинг давлатидир.

***

Ўлган кишини эслаш дилга равшанлик берур.

***

Осуда ҳаёт тинч-тотувликда бўлади.

***

Ўжарлик кишини кўп машаққатга солади.

***

Доимо тўғрилик йўлини тут, ҳар нарсадан устун келасан.

***

Ақлли киши кўпроқ тояди.

***

Илмнинг йўқ бўлиши олимларнинг ўлимидан ҳам осонроқдир.

***

Кишиларнинг сенга кўрсатган меҳрибонлигига қараб, сен ҳам уларга меҳрибонлик қил.

***

Нодон доимо гумроҳлик йўлини тутади.

***

Дўстни зиёрат қилиш муҳаббатнинг баркамоллигидан дарак беради.

***

Дунёнинг чекка-чеккалари, бурчак-бурчаклари ёмонлар билан тўлиб-тошган бўлади.

***

Ожиз одамларни зиёрат қилиш камтарлик ва хуш хулқликка киради.

***

Дунёни ёлғон молларига хушҳол бўлиб кетаверма, булар ҳаммаси фирибгарлик иши, холос.

***

Одамнинг сиртқи кўриниши унинг ички кўринишидан хабар бериб туради.

***

Тилини тийган инсон,
Доимо бўлгай омон.

***

Ожиз одамларнинг қуроли шикоятдир.

***

Эр кишининг устунлиги ўзини камтар тутишидадир.

***

Бойнинг бахиллиги унинг жазосидир.

***

Сабр-бардош зафар қозонтиради.

МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШ

Муассис: Миллий тикланиш демократик партияси

Бош муҳаррир: Иброҳим ҒАФУРОВ

Газета 136-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г —0927.
Сотувда нархи эркин.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Саҳифаловчи: Холида Исломова
Газета IBM компютерида терилди ва саҳифаланди.

Манзилимиз: Тошкент-83, Матбуотчилар кўчаси — 32.
Телефон 133-50-18.
«Шарқ» нашриёт-матбаа консерни босмахонаси. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Навбатчи — Холли НОРБОЕВ